



УДК: 93/94 (575.1)

**Хасан БАБАДЖАНОВ,**  
*Фанлар Академияси Тарих институти етакчи илмий ходими*  
*Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD*  
*E-mail: bhasanb@inbox.ru*  
**Махмуджон СОЛИЕВ,**  
*ЖИДУ академик лицейи ўқитувчиси*  
*E-mail: bhasanb@inbox.ru*

ЎзМУ доценти А.Т.Замонов тақризи асосида

### ESTABLISHMENT OF THE LABOR RESERVE SYSTEM IN UZBEKISTAN AND ITS ACTIVITIES IN 1941-1945

Abstract

This article analyzes the formation of the labor reserve system, the achievements and shortcomings in the operation of the system. The outbreak of direct war in the USSR in 1941 and the military reorganization of the national economy and the involvement of the population in the front increased the demand for labor resources. During the war years, financial difficulties, lack of teaching staff and low qualification of graduates were the main problems of the system. Nevertheless, the labor reserve system has played an important role in providing educational institutions (FZO, craft and railway schools) with a rapidly growing workforce.

**Key words:** labor reserve system, FZO, craft and railway schools, Uzbekistan, World War II.

### СОЗДАНИЕ СИСТЕМЫ ТРУДОВОГО РЕЗЕРВОВ В УЗБЕКИСТАНЕ И ЕЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ В 1941-1945 гг.

Аннотации

В статье анализируется процесс формирования системы трудового резерва, а также достижения и недостатки в работе данной системы. Начало Второй мировой войны и перевод народного хозяйства в военные рельсы, мобилизация населения на фронт резко повысило потребность страны в трудовых ресурсах. В годы войны основными проблемами системы были финансовые трудности, нехватка педагогических кадров и низкая квалификация выпускников. Тем не менее, система трудовых резервов и его образовательные учреждения (ФЗО, ремесленные и железнодорожные училища) в кратчайшие сроки обеспечили экономику страны рабочей силой.

**Ключевые слова:** система трудового резерва, ФЗО, ремесленные и железнодорожные училища, Узбекистан, Вторая мировая война.

### ЎЗБЕКИСТОНДА МЕХНАТ ЗАХИРАЛАРИ ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА 1941-1945 ЙИЛЛАРДАГИ ФАОЛИЯТИ

Аннотация

Мазкур мақолада меҳнат захиралари тизимининг ташкил топиши, тизимнинг фаолиятида мавжуд ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилинади. 1941 йилда СССР ҳудудида бевосита уруш бошланиши ва халқ хўжалигини ҳарбий изга ўтказилиши ҳамда аҳолини фронтга жалб қилиниши меҳнат ресурсларига талабни кескин оширди. Уруш йилларида моддий қийинчиликлар, педагогик кадрларнинг етишмаслиги ва битирувчилар малакасининг пастлиги тизимнинг асосий муаммолари бўлди. Шунга қарамадан, меҳнат захиралари тизими таълим муассасалари (ФЗО, ҳунармандчилик ва темирйўл мактаблари) иқтисодиётни тезликда ишчи кадрлар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

**Калит сўзлар:** меҳнат захиралари тизими, ФЗО, ҳунармандчилик ва темирйўл мактаблари, Ўзбекистон, Иккинчи жаҳон уруши.

**Кириш.** Совет Иттифоқида биринчи (1928-1932) ва иккинчи (1932-1937) беш йилликлар амалга ошириш давомида малакали ишчи кадрларга талаб ва уларнинг муттасил етишмовчилиги масаласи доимо кун тартибда турди. Лекин деярли 10 йилдан ортиқ давомида иқтисодиётни малакали ишчи кадрлар билан таъминловчи самарали тизим яратилмади. Тайёрланган ишчи кадрлар эса сифат ва сон жиҳатидан қурилаётган корхоналар талабларига жавоб бермас эди. Бошқа томондан, яқинлашиб келаётган жаҳон уруши шароитида кадрлар танқислиги саноат ва умуман иқтисодиётни ҳарбий изга ўтказишда жиддий муаммоларни келтириб чиқариш мумкин эди.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Иккинчи жаҳон уруши тугашидан кейинги ўн йилда (1945-1955) СССРда халқ хўжалиги кадрлар тайёрлаш масалалари ёритилган бир неча илмий ишлар нашр этилди. Уларда уруш йилларида меҳнат захиралари тизимида ўқитилган кадрлар сони тўғрисида дастлабки маълумотлар пайдо бўлди. Шунингдек, ушбу китобларда меҳнат захиралари тизимининг таълим дастурларини таҳлил қилинди.

XX асрнинг 40-йиллари иккинчи ярми ва 50-йиллари бошлари даври оралиғида 2 та докторлик диссертацияси химоя қилинди. Умуман олганда, ушбу даврда нашр етилган барча асарлар учун манбалар

базасининг трлиги характерлидир. Илмий тахлил даражаси эса пастлигича колди.

Кадрлар тайёрлаш масаласи бевосита икти-содиёт билан боғлиқ бўлгани сабабли бу мавзу иктисодчилар ишларида ҳам ёритилди. Улар малакали ишчи кучини кўпайтиришда касб-хунар таълими тизимининг ўрни ва роли асосланишига эътибор беришди. Тулчинский Л.И. (1968), Савина В., Ушаков Г. (1969) касб-хунар таълими моддий ресурсларини режалаштиришда, шунингдек уни молиялаштириш манбаларини кенгайтиришда илмий ёндашувни яратиш зарурлиги ғоясини илгари сурдилар.

XX аср 70-йилларида Котлярнинг Е.С. китоби (1975) нашр етилди, у биринчи марта уруш йилларида мамлакатнинг меҳнат захираларининг ривожланишини тўлиқ кўриб чиқди. У ҳам тарихий, ҳам педагогик йўналишга эга еди. Китобда уруш давридаги таълим муассасалари тармоғининг ҳолати, ўқув жараёнини босқичма-босқич такомиллаштириш, ўқувчиларнинг ғоявий ва ҳарбий-жисмоний тарбияси, меҳнат захираларининг ўрни ва ижтимоий функциялари, мактабларнинг ишлаб чиқариш фаолияти масалалари очиб берилди.

Ўзбекистонда Иккинчи жаҳон уруши даврида меҳнат захиралари тизими фаолиятини очиб берган алоҳида тадқиқот яратилмаган бўлсада, маълум маънода ушбу масалалар ва маълумотлар уч томлик “Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны (1941-1945 гг.)” (1981, 1983, 1985) китобида акс этган.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотнинг услубий асосини объективлик ва тарихийлик принципи ташкил этади. Шунингдек, мақоладаги маълумотларни тахлил этишда статистик усулдан ҳам фойдаланилди.

**Тахлил ва натижалар.** 1941 йилда Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон урушига жалб этилиши натижа-сида ишчи кучига бўлган талабнинг кескин ошиши кадрлар тайёрлаш тизимини тезликда қайта ташкил этиш заруриятини келтириб чиқарди. Меҳнат захиралари тизимига ҳуқуқий асос сифатида 1940 йилнинг 2 октябрида СССР Олий Совет Президиумининг “СССР Давлат меҳнат захиралари тўғрисида”ги қарори асос қилиб олинди. Қарорда кадрлар захирасини тайёрлаш ишларини амалга оширишда асосий масъул ташкилот этиб Меҳнат захиралари бош бошқармаси белгиланди [1].

Меҳнат захиралари тизими (МЗТ) хунармандчилик, темирйўл мактаблари ва ФЗО (рус тилида – “Фабрично-заводское обучение”) таълим муассасаларидан иборат бўлиб, улар давлат халқ хўжалиги тармоқлари учун малакали ишчи ва техник ходимларни тайёрлаш керак эди. МЗТ таркибига кирувчи таълим муассасалари ўқиш муддати ва бериладиган малакалар турлича бўлган. Жумладан, хунармандчилик ва темирйўл мактаблари таълим олиш муддати 3-4 йил, ФЗО мактабларида эса олти ёки ўн ой қилиб белгиланди. Ўқиш муддатидан келиб чиққан ҳолда хунармандчилик ва темирйўл мактаблари битирувчиларига 4-5 ишчи малака даражаси (разряд), ФЗО мактаблари битирувчиларининг малака даражаси 3-4 дан иборат бўлган.

МЗТ таълим муассасаларида ўқув жвараёни назарий ва амалий машғулотлардан иборат бўлган. Амалий машғулотлар бевосита ишлаб чиқаришда ташкил этилган. Бунинг учун умумий ўқув соатидан хунармандчилик ва темирйўл мактабларида 75%, ФЗО

мактабларида эса 85-90 %гача вақт ўқувчиларнинг амалиёт ўташига ажратилди.

Қарорда МЗТ муассасаларини ўқувчилар билан таъминлаш масаласи ҳам белгилаб берилди. Унга кўра СССР Халқ Комиссарлари кенгашига ҳар йили шаҳар ва кишлоқларда яшовчи тахминан 800 мингдан то 1 миллионгача 14-15 ёшдаги ўғил болаларни хунармандчилик ва темирйўл мактабларига, 16-17 ёшдагиларни ФЗО ларга жалб этиш ҳуқуқи берилди.

Кўшимча сифатида шуни ҳам таъкидлаш керакки, 1941-1945 йилларда сафарбарлик имкониятлари ва ёшлар сонидан келиб чиққан ҳолда юқорида кўрсатилган ҳолатларга ўзгартиришлар ҳам киритилган. Масалан, 1943 йил 26 июндаги Ўзбекистон ССР ХКС нинг 789-сонли қарорига биноан республика шаҳарларида ишсиз ва ўқимайдиган ёшлар сони етарли бўлмаган ҳолларда 9-10 синф ўқувчиларини хунармандчилик ва темирйўл мактабларига сафарбар қилиш амалиёти жорий қилинди [2].

Жамоа хўжаликлари (колхоз) ёшларини МЗТга жалб этишда алоҳида тартиб белгиланди. Тартибга кўра ҳар бир жамоа хўжалиги 14-15 ёшли икки жамоа аъзосини хунармандчилик ёки темирйўл мактабига, ҳамда ҳар 100 жамоа аъзосидан 16-17 ёшли бир йигитни ФЗОга юбориш шарт қилиб қўйилди. Шаҳар аҳолиси учун ҳам мажбурий чақирув тартиби жорий қилинган бўлиб, жамоа хўжаликларидан фарқли равишда МЗТга чақирувчилар сони худуднинг кадрларга бўлган талабидан келиб чиқиб ҳолда шаҳар Советлари томонидан белгиланадиган бўлди [3].

Юқорида кўрсатилган маъмурий чоралар билан бир қаторда МЗТларга ўқувчиларни жалб қилишда кенг миқёсда тарғибот-ташвиқот тадбирлари ҳам амалга оширилди. Турли марказий, республика ва вилоят миқёсидаги нашрларда бўлажак ўқувчилар ва уларнинг ота-оналаридан келган миннатдорчилик хатлари эълон қилинди.

Қабулнинг биринчи йилида ФЗО, хунармандчилик ва темирйўл мактабларига қабулда муаммолар бўлмади. Бунга матбуотда кенг олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари сабаб бўлди. Тезликда ташкилий тадбирлар амалга оширилиб, 1940 йил октябрь-ноябрь ойларида иттифоқ миқёсида МЗТда 1550 га яқин ўқув муассасаси ташкил этилди. Лекин уларнинг тахминан 900 таси (58%) асосини аввалги тизимдан қолган билим юртлари ташкил этди [4]. “СССР Давлат меҳнат захиралари тўғрисида”ги қарорда МЗТ тизими аввал мавжуд бўлган тизимдан тубдан фарқ қилиши таъкидланди. Амалда эса кўпгина ўқув муассасаларига эски бино ва ўқув жиҳозлари берилди. Таълимни умумий ташкил қилиш ва ўқитиш услубида деярли янгиликлар кўзга ташланмади. МЗТ ўқув муассасалари ҳам совет таълим тизимига хос бўлган камчиликлардан, яъни таълим муассасаларини қолдиқ принципи асосида молиялаштириш ва сифат эмас сон ортидан қувиш каби ҳолатлардан холи эмас эди.

1941 йилда собиқ Иттифоқ учун Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши билан иктисодиётни ҳарбий изга ўтказилиши ишчи кадрларга, уларни ўқитиш ва қайта тайёрлашга бўлган талабни кескин оширди. Меҳнат захиралари тизими таълим муассасалари тезликда халқ хўжалигини учун ишчи кадрлар тайёрлаши керак эди. Шунингдек, ўқувчиларнинг малакалари инобатга олинган ҳолда мураккаб бўлмаган ишлаб чиқаришни ташкил этишлари талаб

этилли. Масалан, 1941 йил 23 июлдаги Ўзбекистон ССР ХКС нинг 859-сонли қарорига биноан республика ФЗО мактабларида асосан металлургия ишлаб чиқариш қолдиқларидан оддий чилангарлик-монтаж асбоблари тайёрлашни ташкил этиш таклифи берилди [5].

1940 йилда қабул қилинган қарорда ўқувчилар қазарма ҳолатида яшаши, тўлиқ давлат таъминотида эканлиги белгиланган эди. Шу билан бирга молиявий танқислик туфайли МЗТ муассасалари таъминоти анча ёмонлашди. Шунинг учун ҳаражатларнинг маълум қисми ташкилотлар ёки ота-оналар зиммасига юкланди. Масалан, 1942 йилнинг январида Ўзбекистонда ўтказилган ФЗО мактабларига йиғимда ҳар бир ўқувчида устки ва қалин кийим-бош, оёқ кийим, икки комплект ички кийим, сочик ва йўл учун етарли озиқ-овқат бўлиши белгилаб қўйилди. Лекин ушбу таъминот ҳаражатлари колхозга аъзо бўлмаган қишлоқ ва шаҳар ёшлари учун уларнинг ота-оналарига, колхозларга (колхозга аъзо бўлган) ва боқувчиси бўлмаганлар учун Маориф ХК томонидан қопланиши белгиланди [6].

Шунингдек, ҳукумат қарорларида ўқувчилар учун нон ва озиқ-овқат таъминот нормалари ҳам ўрнатилди. 1943 йил октябрдаги СССР Савдо Халқ Комиссарлигининг 557-сонли буйруғига кўра темир-йўлчилар, муҳандис-техник ходимлар ва темирйўл мактаблари ўқувчилари ва шу соҳага тегишли бошқа аҳоли гуруҳлари учун қарточка нормалари кўрсатилиб берилди. Жумладан, ушбу буйруқда темирйўл мактаблари ўқувчиларига кунига 300 гр.дан нон берилиши белгилаб берилди [7].

Амалда ўқувчилар белгиланган озиқ-овқат, кийим-кечак ва ўқув қуроллари нормалари билан ҳар доим ҳам тўлиқ таъминланмасдан қолди. Шунингдек, нормал ўқув жараёнини олиб бориш учун бинолар, ўқув жиҳозлари ва кадрлар етишмовчилиги яққол кузатилиди. Эътиборнинг сусайиши натижасида МЗТ ўқувчилари орасида майда жинойатчилик, безорилик ва ўқишдан қочиш ҳолатлари кўпайди [8].

Шундай бўлсада, МЗТ имкон борица халқ хўжалигининг кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга ҳаракат қилди. Уруш шароитидан келиб чиққан ҳолда, биринчи навбатда, бўшашиб қолган интизом қоидалари қучайтирилди. ФЗО, хунармандчилик ва темирйўл мактаблари ўқувчилари орасида таълимни сабабсиз ташлаб кетувчи ёки интизомни жиддий равишда бузувчилар суд қарори билан бир йилгача меҳнат колонияларига ҳукм қилиниши белгиланди [9].

Ўқув жараёни ҳам қайта ташкил этилиб, сифат кўрсаткичларидан кўра битирувчилар сонини кўпайтиришга урғу берилди. МЗТ ўқувчилари учун 8 соатлик иш соати мажбурийлиги белгиланди. Тизим таълим муассасаларида вақтинча умумназарий ва махсус предметлар ўқитиш, хунармандчилик ва темирйўл мактабларида эса битирув имтиҳонлари ҳам бекор қилинди. Ўқув жараёнида асосий эътибор амалиётга берилиб, бевосита ўқувчилар таълимни завод ва фабрикалардаги иш жараёнидан оладиган бўлишди. Бунинг учун улар тажрибали ишчиларга бириктирилди.

1941 йилнинг сентябрдан қорхона раҳбарларига ишлаб чиқаришга жалб этилган ўқувчилар кунлик иш соатини мустақил белгилаш ҳуқуқи

берилди. Бошқа томондан, ўқувчиларни иш жараёнида моддий қўллаб-қувватлашга алоҳида урғу берилди. Агар ўқувчи ҳарбий техника ёки қурол-яроғ ишлаб чиқаришга жалб қилинса, ишлаб чиқарган деталли суммасининг 50 фоизиди устага белгиланди. Ўз навбатида, устага суммасининг (фоиз ҳисобида) 50 фоизи бевосита ўқувчига, 33 фоизи давлат бюджетига ва қолган 17%и таълим муассасаси директор фондига ўтказилган [10].

Моддий таъминотдаги қийинчиликлар сабабли МЗТ ўқув муассасаларида дарс ўтиш учун малакали педагог-усталар деярли қолмади. Масалан, педагог-уста ойлик маошига бозорда 20 килограмм картошка сотиб олиш мумкин эди [11]. Шу ҳолатлар инобатга олиниб, МЗТда назарий предметлардан дарс ўтиш 1943/1944 ўқув йилидангина қайта тикланди.

Албатта, тезликда тайёрланган кадрлар малакаси етарли даражада бўлмай, бу тизимдан чиққан ишчилар ҳарбий саноат қорхоналаридаги муракаб техника ва дастгоҳлардан фойдаланишда қийинчиликларга дуч келишарди. Бу масала 1943 йилда СССР Халқ Комиссарлари Совети даражасида муҳокама этилиб, меҳнат захиралари тизимида тезкор курсларда тайёрланган кадрлар сифати қониқарсизлиги тан олинди.

Қисқа курсларни битириб чиққан ишчиларни қўшимча қайта ўқитиш зарурияти вақтни мақсадсиз ўтказиш ҳамда маблағни ўринсиз сарфланишини аниқларди. 1943 йил 3 февралдаги СССР ХКС қарори асосида тезкор тайёрлов курсларини кўпи билан йилига икки маротаба, фақатгина меҳнат захиралари бош бошқармаси талаби асосида ташкил этиш мумкинлиги белгиланди [12]. Бу ҳолат собиқ Иттифоқнинг иқтисодий ҳарбий изга муваффақиятли ўтиб олганини ва бундан буён ишчи кучига эҳтиёж урушининг дастлабки давридек ўткир эмаслигидан эди.

Юқорида келтирилиб ўтилган муаммоларга қарамадан, 1941-1945 йилларда МЗТ таълим муассасалари мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга эришди. Ўзбекистонда ФЗО, хунармандчилик ва темирйўл мактаблари битирувчилари республикадаги саноат қорхоналарини ишчи-техник кадрлар билан таъминлашда асосий манбалардан бири бўлди. 1942 йилда Ўзбекистондаги ФЗО мактабларининг ўзида 26 та ишчи касбларини тайёрлаш йўлга қўйилди [13]. Иқтисодий ҳолатида қишлоқ хўжалиги салмоғи юқори бўлган Ўзбекистон учун муҳими, 1942 йилнинг охиридан бошлаб меҳнат захиралари МЗТ қишлоқ хўжалиги учун механизаторлар тайёрлашни бошлади [14].

**Хулоса ва таклифлар.** 1941-1942 йилларнинг ўзида Ўзбекистонда фаолият олиб борган 54 та ФЗО, хунармандчилик ва темирйўл мактабларида жами 25479 малакали ишчи тайёрланди [15]. Ушбу ишчилар республиканинг турли бурчакларидаги саноат қорхоналарида самарали фаолият олиб бордилар. Иккинчи жаҳон уруши йилларида МЗТ молиявий ва кадрлар танқислиги шароитида минглаб ёшларни касб йўналтиришга, уларга дастлабки малакалар беришда ҳамда энг асосийси, саноат ва қишлоқ хўжалигини тезликда ишчи кучи билан таъминлашда ўз ҳиссасини қўшди.

## АДАБИЁТЛАР

1. Сборник законов СССР и указов Президиума Верховного совета СССР. 1938-1944 гг. – Москва: Ведомости Президиума Верховного совета СССР, 1945. – Б. 139.
2. Ўзбекистон Марказий Архиви, 837-фонд, 32-рўйхат, 3740-йиғмажилд, 164-варак.
3. Сборник законов СССР и указов Президиума Верховного совета СССР. 1938-1944 гг. – Москва: Ведомости Президиума Верховного совета СССР, 1945. – С. 141.
4. Докучаева И.Г. Образование системы государственных трудовых резервов СССР и начало ее деятельности в Сибири (1940-1942 гг.) // Вестник Кемеровского государственного университета. – 2016. – № 1 (65). – С. 18.
5. Ўзбекистон Марказий Архиви, 837-фонд, 32-рўйхат, 2578-йиғмажилд, 228-варак.
6. Ўзбекистон Марказий Архиви, 837-фонд, 32-рўйхат, 3260-йиғмажилд, 403об-варак.
7. Ўзбекистон Марказий Архиви, 91-фонд, 8-рўйхат, 310-йиғмажилд, 19-варак.
8. Докучаева И.Г. Образование системы государственных трудовых резервов СССР и начало ее деятельности в Сибири (1940-1942 гг.) // Вестник Кемеровского государственного университета. – 2016. – № 1 (65). – С. 17.
9. Советское право в период Великой Отечественной войны. Ч. II. – Москва, 1948. – С. 110.
10. Великая Отечественная война 1941–1945 годов. В 12 т. Т. 10. Государство, общество и война. – Москва: Кучково поле, 2014. – С. 493.
11. Павленко Г.К. Трудовые резервы – резервы тыла в годы Великой Отечественной войны // Инновационное развитие профессионального образования. – 2019. – № 2 (22). – С. 130.
12. Великая Отечественная война 1941–1945 годов. В 12 т. Т. 10. Государство, общество и война. – Москва: Кучково поле, 2014. – С. 499.
13. Ўзбекистон Марказий Архиви, 837-фонд, 32-рўйхат, 3260-йиғмажилд, 406-варак.
14. Великая Отечественная война 1941–1945 годов. В 12 т. Т. 10. Государство, общество и война. – Москва: Кучково поле, 2014. – С. 493.
15. Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны (1941-1945 гг.). Т.1. – Ташкент: Фан, 1981. – С. 133.



УДК: 94(584.4)

**Жонибек БЎТАЕВ,**

Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти

E-mail: mr.butayev@mail.ru

ЎзМУ профессори, т.ф.н. Саидбобоев З.А. тақризи асосида

## ON THE POPULATION OF SAMARKAND REGION (SECOND HALF OF XIX CENTURY)

Abstract

After the conquest of Samarkand by the empire in the second half of the XIX century, as a result of reforms in the political, economic and cultural spheres, the social life of the region was reshaped. The centuries-old system of stratification in the province was adapted to the interests of the empire. The article examines the population, social stratification, religious beliefs, ethnic composition and lifestyle changes, and the formation of a new social system due to the expansion of the Russian colonial system in the region. It also analyzes new ethnic groups, different religions, local and Russian populations, urban and rural populations and composition in the region on the basis of statistical reports.

**Key words:** colony, county, statistics, ethnic composition, stratification, social class, natives, clergy, merchant, pastor, Orthodox, Protestant, Jew.

## О НАСЕЛЕНИИ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ (ВТОРАЯ ПОЛОВИНА XIX ВЕКА)

Аннотация

После завоевания Самарканда империей во второй половине XIX века в результате реформ в политической, экономической и культурной сферах общественная жизнь региона претерпела изменения. Многовековая система стратификации в провинции была адаптирована к интересам империи. В статье исследуются население, социальное расслоение, религиозные убеждения, этнический состав и изменения образа жизни, а также формирование новой социальной системы в связи с расширением российской колониальной системы в регионе. Он также анализирует новые этнические группы, различные религии, местное и русское население, городское и сельское население и состав в регионе на основе статистических отчетов.

**Ключевые слова:** колония, уезд, статистика, этнический состав, расслоение населения, социальный класс, туземцы, духовенство, купец, мещан, православный, протестант, еврей.

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ АҲОЛИ ТАРКИБИ ХУСУСИДА (XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ)

Аннотация

Самарқанд вилояти аҳолиси таркибида XIX асрнинг иккинчи ярмида империяси томонидан эгаллангач сиёсий бошқарув, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ислохотлар натижасида ўлка ижтимоий ҳаёти янгидан шакллантирилди. Вилоятда асрлар давомида мавжуд бўлган табақаланиш тизими империя манфаатларига мослаштирилди. Мазкур мақолада русларнинг вилоятда мустамлака бошқарув тизимини кенгайтириб бориши туфайли аҳоли сони, ижтимоий табақаланиши, диний эътиқоди, этник таркиби ва турмуш-тарзи ўзгаришлар, янги ижтимоий тизим таркиб топиши тадқиқ этилган. Шунингдек, вилоятдаги янги миллатлар, турли динлар, маҳаллий ва рус аҳолиси, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли сонлари ва таркиби статистик ҳисоботлар асосида таҳлил қилиб чиқилган.

**Калит сўзлар:** мустамлака, округ, статистика, этник таркиб, табақаланиш, ижтимоий синф, зодагон, руҳоний, садогар, мещан, православ, протестант, яҳудий.

**Қириш.** Самарқанд вилояти Россия империяси томонидан эгаллангач, ҳудуднинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида бўлгани сингари, ижтимоий ҳаётида ҳам бир қатор ўзгаришлар содир бўлиб, асрлар давомида шаклланиб келган аҳоли турмуш-тарзи ва табақавий тизим империя манфаатларига мослаштирилди. Яъни, аҳоли сони ва таркиби, ижтимоий синфлар, этник гуруҳлар ва бошқа йўналишларда мустамлака сиёсат натижасида қатор ўзгаришлар рўй берди.

Мазкур масалаларни статистик шарҳлар ва тўпламлар орқали ҳам тадқиқ этиб, таҳлилий хулосалар чиқариш ва мазкур даврнинг тарихий зиддиятларини батафсил ўрганиш мумкин.

Самарқанд вилояти 1868 йилда Зарафшон округи сифатида ташкил топган пайтда маъмурий-ҳудудий жиҳатдан иккига: Самарқанд ва Каттақўрғон бўлимларига бўлинган. 1868 йилда, шунингдек,

Панжикент, унинг қишлоқлари ва 1870-1871 йилларда Зарафшоннинг юқори қисмида жойлашган Магча, Мағиён, Фароб, Киштут, Фалғор, Яғноб, Фан каби бекликлар ҳам округ таркибига киритилиб, тоғли туманлар сифатида эътироф этилди [1]. Қўчириш сиёсати, шунингдек, ҳудуддаги бошқа туманларнинг қўшилиши натижасида вилоят аҳолисининг ўсиш даражаси ва ижтимоий таркибида катта ўзгаришлар кузатилди.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** XIX асрнинг 70 йилларига қадар вилоят аҳолиси сони тўғрисида берилган маълумотларнинг кўпчилиги тахминий бўлган. 1872 йилда аҳоли сони Л.Н.Соболевнинг қайд этишича, 280950 киши эди. Бошқа манбаларда эса, жумладан, Туркистон статистика бўлими томонидан 1872 йили чоп этилган биринчи статистик йилномада 1868 йилда Зарафшон округида

163185 [2], 1872 йилда эса 227781 аҳоли истиқомат қилганлиги қайд этиб ўтилган [3]. Мазкур статистик тўпланда 1872 йилдаги аҳоли сони ҳудудлар кесимида қуйидагича бўлган:

а) Самарқанд бўлимида: эркаклар – 75225, аёллар – 54459. Жами – 129684;

б) Каттақўрғон бўлимида: эркаклар – 28509, аёллар – 24031. Жами – 52540;

в) тоғли туманларда: эркаклар – 21203, аёллар – 18354. Жами – 39557;

Округ бўйича аҳоли сони жами 227781 кишини ташкил этган.

Юқоридаги рақамларда 1872 йилдаги аҳоли сони 2 хил келтирилган: 280950 ва 227781. Л.Н.Соболев ўз асарида аҳоли сонини ҳисоблашда комиссия вакиллари томонидан ер ва хонадонларнинг

рўйхати бўйича тўпланган маълумотлардан олганлигини қайд этган ва ҳудудлар кесимида аҳоли сонини қуйидагича тақсимлаган:

1. Самарқанд бўлими – 114725. 2. Каттақўрғон бўлими – 95465. 3. Панжикент бўлими – 70760. Жами – 280950. Зарафшон округи бўйича аҳоли турар-жойлари сони – 1347, хонадонлар сони – 56190 ва эркак-аёллар сони – 280950 бўлган. Л.Н.Соболев Самарқанд шаҳридаги афғонлар ҳамда округдаги европаликлар сонини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, аҳоли сони 288150 кишидан ошишини ҳам айтиб ўтган [4].

**Тадқиқот методологияси.** 1882 йилда Зарафшон округи аҳолиси 199094 нафар аёл ва 173508 нафар аёл, жами – 372602 киши бўлган [5]. Мазкур даврдаги аҳоли таркиби ва сони қуйидагича бўлган:

Табақалар бўйича миллатлар	Округ бўйича		
	Эркак	Аёл	Жами
Руслар:			
Наслий зодагонлар	229	124	353
Шахсий зодагонлар	168	71	239
Оқ руҳонийлар	5	4	9
Наслий обрўли фуқаролар	4	2	6
Шахсий обрўли фуқаролар	57	47	104
Савдогар	10	10	20
Мешчан	43	44	87
Дехқон)	44	35	79
Уралдан кўчиб келганлар	92	3	95
Ҳарбий унвондан маҳрум қилинганлар	1		1
Нафақа ва захирадаги амалдорлар оилалари билан	122	98	220
Қуйи хизматдаги ҳарбийлар оилалари билан	7173	799	7972
Чет эл фуқаролари	10	3	13
Шаҳарлик сарт аҳоли	21472	18539	40011
Қишлоқлик сарт аҳоли	168207	152220	320427
Ҳиндлар	94		94
Яҳудийлар	1363	1509	2872
Жами	199094	173508	372602

Мазкур жадвалдан кўришимиз мумкинки, вилоят аҳолисининг 80 фоиздан ортиғи қишлоқларда яшаган. Вилоятнинг жами аҳолиси 372602 нафар: шундан 320427 нафари қишлоқ аҳолиси бўлиб, шаҳарликларни қўшиб ҳисоблаганда жами 360438 киши ёки аҳолининг 90 фоиздан ортиғини маҳаллий аҳоли ташкил этган. Бундан ташқари, рус маъмурияти фақат рус аҳолисини турли тоифаларга бўлиб, маҳаллий аҳолини фақат шаҳарлик ҳамда қишлоқлик тоифаларига ажратиб кўрсатган. Яъни, вилоятда аввалдан мавжуд бўлган табақаланиш тизими ўзгартирилиб, империя манфаатларига мослаштирилган. Шунингдек, сиёсий бошқарув, иқтисодиёт, маорифдаги ўзгаришлар натижасида янги тоифалар ҳамда ўлканинг ҳарбий бошқарув тизимига асосланганлиги боис

хавфсизликни таъминлаш мақсадида ҳарбийлар қатлами вужудга келтирилди.

1883 йилда округ аҳолиси сони 394446 нафар бўлиб, улардан 208432 нафарини эркаклар ва 186014 нафарини аёллар ташкил этган [6]. Округнинг ҳудудлари кесимида шаҳар аҳолиси сони қуйидагича бўлган: Самарқанд бўлимида – 33117 нафар (17371 эркак, 15146 аёл); Каттақўрғон бўлимида – 16000 нафар (8000 эркак, 8000 аёл); Тоғли туманларда – 5896 нафар (2794 эркак, 3102 аёл). Жами шаҳар аҳолиси 55013 нафар (28165 эркак, 36848 аёл). Уездлардаги жами аҳоли сони – 339433 нафар (183712 эркак, 155721 аёл).

1884 йилга келиб округдаги шаҳар аҳолиси сони ошиб, ҳудудлар кесимида қуйидагича тақсимланган [7].

Шаҳарлар номи	Сони			
	Шаҳар аҳолисининг уйлари		Жами шаҳар аҳолиси (ҳарбийларни қўшмаганда)	
	рус	маҳаллий	эркаклар	аёллар

Самарқанд шаҳри				
Рус қисми	306	25	1214	698
Маҳаллий қисми	3	4545	17200	15200
Каттақўрғон шаҳри	48	2100	8250	8250
Пайшанба шаҳри	-	1330	5100	5100
Панжикент шаҳри	16	419	944	1028
Ургут шаҳри	йўқ	1057	1895	2148
Жами	373	9476	34603	32424
		9849		67027

Юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкинки, 1884 йилда шаҳар аҳолиси сони жами 67027 нафар бўлиб, 1883 йил билан таққослаганда (55013 нафар) ўн икки минг кишига ортган. Яъни йилдан-йилга шаҳар аҳолиси сони ўзгариб турган. Таққослаш учун, 1879 йилда округда шаҳар аҳолиси 57302 (эркаклар – 33019, аёллар – 24283) нафарни ташкил этган [8].

**Таҳлил ва натижалар.** Самарқанд вилояти 1887 йил январь ойида 1868–1870 йилларда Бухоро амиригидан истило натижасида олинган ҳудудлардан ташкил топган собиқ Зарафшон округи ҳудудида ташкил топган. Маъмурий жиҳатдан Самарқанд вилояти 6 та шаҳар (Самарқанд, Панжикент, Жиззак, Каттақўрғон, Хўжанд ва Ўратепа) билан 4 та уездга бўлиниб, улардан иккитаси (Панжикент ва Ўратепа) уездсиз бўлган.

Архив маълумотларига кўра, 1889 йилда Туркистон аҳолисининг умумий сони 2697610 кишига етди. Шундан Самарқанд вилоят аҳолисининг сони алоҳида ҳудудлар бўйича куйидагича тақсимланган [9]:

Самарқанд шаҳри – 29447, Самарқанд тумани – 305185, Каттақўрғон шаҳри – 13840, Каттақўрғон тумани – 153555, Жиззах шаҳри – 12835, Жиззах тумани – 127470, Хўжанд шаҳри – 20141, Хўжанд тумани – 71822. Вилоят бўйича жами – Самарқанд вилоятида 734295. Мазкур даврда кўшни Сирдарё вилоятида жами 1133584, Фарғона вилоятида эса жами 829731 аҳоли истиқомат қилган.

Туркистонда 1889 йилда туғилганлар сони тўғрисида маълумот фақат Фарғона ва Самарқанд вилоятларининг айрим шаҳар ва туманларидан етказилган. Аксинча Сирдарё вилоятдан эса умуман маълумот олинмаган.

Тақдим этилган маълумотларга кўра, 1889 йилда Фарғона ва Самарқанд вилоятларида туғилганлар сони 35454 кишини ташкил этган.

Архив ҳужжатида кўра, 1888 йилда Самарқанд вилояти аҳоли сони жами 703637 бўлган [10]. Ҳудудлар кесими бўйича аҳоли сони куйидагича тақсимланган: Самарқанд шаҳри – 41794, Самарқанд – тумани 250728, Каттақўрғон шаҳри – 13840, Каттақўрғон тумани – 153555, Жиззах шаҳри – 12835, Жиззах тумани – 127470, Хўжанд шаҳри – 26555, Хўжанд тумани – 76900. Бундан кўришимиз мумкинки, 1888 йилдаги 250728 нафар Самарқанд тумани аҳолиси 1889 йилда 55 минг кишига кўпайиб, 305185 нафарга етган. Шу билан бирга Хўжанд шаҳри ва туманида ҳам аҳоли сони ортган.

Самарқанд вилояти аҳолисининг юқоридаги кўрсаткичи, шунингдек, вилоятнинг айрим шаҳарлари ва туманларида ҳисобот йилида туғилганлар ва вафот этганлар сони бўйича берилган маълумотлар тахминий бўлиб, ҳудуддаги аҳолининг ҳақиқий ва аниқ сонини, ҳисобот бўйича туғилган ва вафот этганларни аниқ ифодалай олмайди. Чунки шаҳар ва туман

шифокорлари юқоридаги маълумотларни олган маҳаллий ҳудудий статистика кўмиталарида бу борада аниқ рақамлар мавжуд бўлмаган. Бу даврда туғилиш ва ўлим ҳолатлари бўйича маҳаллий аҳоли ўртасида метрик ёзувлар сақланмаган ва шунинг учун улардан маълум вақт ичида туғилиш ва ўлимлар тўғрисида аниқ маълумот олишнинг имкони йўқ эди.

Аҳолининг аниқ сони нафақат округларда, балки шаҳарларда ҳам номаълум бўлиб, ҳаттоки минтақанинг кўчманчи аҳолиси деярли қайд этилмаган. Маҳаллий аҳоли, хавфсираб, аҳолининг ҳақиқий сонини яширишган, шунинг учун маҳаллий маъмурият маълум бир ҳудудда яшовчилар миқдорини хонадонлар сони ва кўчманчи аҳоли учун ўтовлар сонига қараб, одатда бундай бирлик учун ўртача 5 киши белгиланган.

Тарихчи Т.С.Саидқуловнинг асариде эса XIX аср иккинчи ярмида вилоят аҳолиси сонининг ўзгариб бориши куйидагича келтириб ўтилган: 1868 йилда – 315533, 1870 йилда – 200000, 1872 йилда – 163185, 1883 йилда – 41595, 1885 йилда – 437420, 1887 йилда – 661160, 1888 йилда – 712420, 1897 йилда – 860021 [11]. Жойларда аҳолининг зичлиги ҳам турлича бўлган. Хусусан, вилоятнинг Каттақўрғон уезди биринчи ўринда бўлиб, бу ерда аҳоли зичлиги 1 кв. верстага 24,3 кишини, Самарқанд уездида эса 17,6 кишини ташкил этган.

Самарқанд вилоят статистика бошқармаси томонидан чоп этилган “Самарқанд вилояти бўйича шарҳлар”нинг 1888-1894 йилларда чиқарилган нашрларида эса 1887 йилдан 1893 йилгача бўлган давр оралиғида аҳоли сони куйидагича кўрсатиб ўтилган: 1887 йилда 683095 минг, 1889 йилда 721844 минг, 1890 йилда 781924 минг, 1892 йилда 749849 (1891 йилдагига нисбатан 1528 кишига кўпайган) ва 1893 йилда эса аҳоли сони 694574 киши.

Юқоридагилардан шуни билиш мумкинки, аҳоли сони тўғрисида маълумотлар ва рақамларнинг барчаси тахминий бўлган. Бунинг сабаблари куйидагилар: мазкур даврларда аҳолини рўйхатга олиш жараёни ҳали ўтказилмаганлиги; аҳолининг сонини аниқлашда солиқ ёзувлари асос бўлганлиги; аҳоли сони хонадонлар сонидан келиб чиқиб ҳисобланганлиги; вафот этганлар ҳақидаги тахминий рақамлар муллалардан олинганлиги; муллалардан туғилганлар сони ҳақида маълумот олиш мумкин бўлмаганлиги (чунки муллалар туғилган ўғил болалар тўғрисидаги маълумотларни фақат саккиз ёшга тўлгунча бажариладиган суннат пайтида олганлар. Шунингдек, муллаларда туғилган қизлар сони тўғрисида маълумотлар бўлмаган). Мазкур сабаблар аҳолининг аниқ сонини билишда муаммолар туғдирган.

Вилоятнинг ҳақиқий аҳолиси 1897 йил 28 январда ўтказилган биринчи Бугунроссия аҳолини

рўйхатга олиш маълумотларига асосланиб, 860021 кишини, 472443 нафар эркак ва 387578 нафар аёлни ёки 54,92% гача эркаклар ва 45,08% аёлларни ташкил этган [12]. Уездлар кесимида аҳоли тақсимоги куйидагича бўлган: Самарканд уезди – 190644 эркак, 151553 аёл, жами 342197 нафар; Жиззах уезди – 120228 нафар эркак, 102455 нафар аёл, жами 222683 нафар; Каттақўрғон уезди – 60897 нафар эркак, 49109 нафар аёл, жами 110006 нафар; Хўжанд уезди – 100674 нафар эркак, 84461 нафар аёл, жами 185135 нафар. Вилоятнинг умумий 860021 нафар аҳолиси 147534 та хўжаликка тақсимланган бўлиб, ўртача ҳар бир хўжаликка 5,83 нафар киши тўғри келган.

Вилоят Россия империяси таркибига кўшиб олинган, Россия губернияларидан ортқича аҳолининг кўчириб келтирилиши, шунингдек, вилоят худудининг кенгайиб бориши натижасида аҳолининг ўсиш даражаси ва ижтимоий таркибида катта ўзгаришлар кузатилган. 1880-1890 йилларда вилоят аҳолисининг ижтимоий таркиби юқоридаги жадвалда келтириб ўтилган таркибда бўлган.

Дин ва мазҳаблар	1887	1890	1891	1893	1898	1899
Православлар	9343	9168	11159	11791	15075	14896
Раскольниклар	46	447	191	648	262	488
Протестантлар	55	180	98	288	368	384
Католиклар	57	432	323	1623	1076	1066
Арман-григорянлар		19	72	103	312	359
Мусулмонлар	668881	769240	733718	675764	852477	886558
Яхудийлар	4634	2402	2705	4320	5683	5540
Бутпарастлар	79	36	55	39	48	28
Жами	683095	781924	748321	694574	875250	909318

Юқоридаги жадвалдан кўриш мумкинки, XIX асрнинг иккинчи ярми давомида вилоят аҳолисининг этник таркиби билан биргаликда, диний таркиб ҳам ўзгариб борди.

1897-1899 йилларда табиий ва иммиграцион ўсиш билан кўпайган вилоят аҳолисининг умумий сони 1899 йилнинг охирига келиб 909318 киши бўлиб, шундан 501290 нафари эркак ва 408028 нафари аёл. Бу аҳолининг умумий сони табакалар бўйича фоизда куйидагича тақсимланган: а) дворянлар наслий ва шахсий зодагонлар 0,233 %; б) рухонийлар 0,003 %; в) шаҳарликлар 0,278 %; д) қишлоқ аҳолиси 98,500 %; е) ҳарбийлар 0,684; ф) бошқа қатламлар 0.200 %; г) чет элликлар 0.112 % . Диний эътиқод бўйича: а) православлар 1,637% б) раскольниклар 0,053% в) протестантлар 0,042% д) католиклар 0,116 % е) арман-григорян 0,040 % ф) мусулмонлар 97,500 % г) яхудийлар 0,609 % х) бутпарастлар 0,003 %.

Статистик ҳисоботларда Самарканд вилоятидаги миллат вакиллари ҳам келтириб ўтилган: ўзбеклар, сартлар, тожиклар, қирғизлар, эронликлар, араблар, лўлилар, яхудийлар, руслар, европалликлар ва хиндлар [13]. Кейинчалик Россиянинг Европа қисми, Волгабўйи, Сибирь ва Кавказ ҳамда бошқа худудлардан аҳолининг кўчиб келтирилиши натижасида аҳолининг этник таркиби ҳам ўзгариб борган. Жумладан, вилоятда 1887 йилда 6 дан ортқик миллат вакиллари бўлган бўлса, 1897 йилга келиб 20 га яқин миллат вакиллари истиқомат қилган. Яъни, вилоятда – татарлар, бошқирлар, арманлар, грузинлар, литвалик ва латишлар, поляклар, молдаванлар, французлар италянлар, немислар ва бошқа миллат вакиллари бўлганлигини статистик ҳисоботларда кўришимиз мумкин.

Вилоят аҳолиси этник таркибининг ўзгариши, улар диний эътиқодларининг ҳам турлича бўлишига олиб келган. 1887-1899 йиллар оралиғида вилоят аҳолисининг диний эътиқодига кўра бўлиниши [14]:

1891 йилда Самарканд вилоятида атиги 9 рус кишлоғи бўлиб, улардан 8 таси Хўжандда ва 1 та Самарканд уездида бўлиб, улардагит оилалар сони 1898 йилда жами 297 та, 1899 йилда 496 та бўлган. Жами аҳолиси 1898 йилда 1635 нафар, 1899 йилда эса 1938 нафарга етган.

**Хулоса ва таклифлар.** Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, XIX асрнинг иккинчи ярмида Самарканд вилояти ижтимоий ҳаётида куйидаги ўзгаришлар бўлди: аҳоли ижтимоий таркиби ўзгариб, янги қатламлар вужудга келди; аҳоли сони кўпайиб борди; кўчириш сиёсати натижасида вилоят этник таркибида янги миллатлар пайдо бўлди; аҳоли таркибидаги ўзгаришлар натижасида турли диний эътиқодлар вужудга келди; рус кишлоқлари вужудга келди; сиёсий бошқарув, иқтисодий ва маданий ҳаётдаги янгиланишлар туфайли аҳоли тоифаланишида ўзгаришлар кузатилди; асрий кадрятлар ўзгарилиб, империя манфаатларига мослаштирилди.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе // ЗИРГО по отделению статистики. – СПб., 1874. Т. IV. – С.13.
2. Материалы для статистике Туркестанского края. Ежегодник Вып I. – С.Петербург 1872. – С. 120.
3. Материалы для статистике Туркестанского края. Ежегодник Вып IV. – С.Петербург 1876. – С. 56.
4. Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе. – С. 121,123, 124
5. ЎзМА И-5-фонд, 1-рўйхат, 3504а-йиғмажилд, 27-варақ.
6. ЎзМА И-5-фонд, 1-рўйхат, 1607-йиғмажилд, 3-варақ.
7. ЎзМА И-5-фонд, 1-рўйхат, 1608-йиғмажилд, 12-варақ.
8. ЎзМА И-5-фонд, 1-рўйхат, 551-йиғмажилд, 12-13-варақлар.
9. ЎзМА И-1-фонд, 11-рўйхат, 616-йиғмажилд, 2-варақ.

10. ЎзМА И-1-фонд, 10-рўйхат, 2067-йиғма жилд, 89-варақ.
11. Саидкулов Т.С. Самарканд во второй половине XIX – начало XX веков. – Самарканд, 1970. – С. 106.
12. Первая всеобщая перепись население Российской империи. 1897 г. Самаркандская область. – СПб., 1905. –С. 2.
13. Обзор за Самаркандской области за 1887 год. (Приложение ко всеподданнейшему отчету) Самарканд, –1888. С. 12.
14. Обзор за Самаркандской области за 1887 год. Самарканд, –1888. С. 13; Обзор за Самаркандской области за 1890 год. Самарканд, –1892. С. 21; Обзор за Самаркандской области за 1891 год. Самарканд, –1892. С. 29-30; Обзор за Самаркандской области за 1893 год. Самарканд, –1894. С. 49; Обзор за Самаркандской области за 1898 год. Самарканд, –1900. Прил.8; Обзор за Самаркандской области за 1899 год. Самарканд, –1900. Прил.8.



УДК: 297.1(575.1

*Дилдора НИШАНОВА,*  
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти*  
*E-mail: dnishanova@yahoo.com*

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси доценти т.ф.д. Бекмирзаев И.И. тақризи асосида*

### THE DEVELOPMENT OF METHOD AL-FIQH IN UZBEKISTAN

Annotation

This article discusses the development of the science of usul al-fiqh in Uzbekistan. There is also information about the science of jurisprudence, the formation of the term "jurisprudence", the object of Usul al-fiqh, the first schools of jurisprudence, the right to ijtehad, jurisprudential schools, the Movarounnahr school of jurisprudence.

**Key words:** Quran, sunnah, fiqh, revelation, islam, jurisprudence, muslim, society, science, culture, law, companions, school, sect.

### РАЗВИТИЕ МЕТОДА АЛЬ-ФИКХ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация

В данной статье рассматривается развитие науки усул аль-фикх в Узбекистане. Также есть сведения о науке юриспруденции, формировании термина «юриспруденция», объекте усул аль-фикх, первых школах юриспруденции, праве на иджтихад, школах юриспруденции, школе юриспруденции Мовароуннахр.

**Ключевые слова:** Коран, сунна, фикх, откровение, ислам, юриспруденция, мусульманин, общество, наука, культура, закон, сподвижники, школа, сект.

### ЎЗБЕКИСТОНДА УСУЛ АЛ-ФИҚҲ ИЛМИНИНГ РИВОЖИ

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистонда усул ал - Фикҳ илмининг ривожига ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, фикҳ илми, «Фикҳ» истилоҳининг шаклланиши, Усул ал-фикҳнинг объекти, илк фикҳ мактаблари, ижтиҳод қилиш ҳуқуқи, фикҳий мазҳаблар, Мовароуннахр фикҳ мактаби ҳусусида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Қуръон, суннат, фикҳ, ваҳий, ислом дини, фикҳшунослик, мусулмон, жамият, фан, маданият, ҳуқуқ, саҳоба, мактаб, мазҳаб.

**Кириш.** Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохатлар ичида маънавий уйғониш жуда муҳим аҳамиятга эга. Ҳар қайси инсоннинг Аллоҳ марҳамат қилган бу ҳаётда тўғри йўл ташлаши, умрининг мазмунини англаши авваламбор яхшилик ва эзгуликка интилиб яшашида диннинг таъсирини бошқа ҳеч қандай куч билан қиёслаб бўлмайди.

Ҳозирги кунда дин тафаккурига уч омил (диний, рухий, моддий) қўшилган бир пайтда ислом динига, унинг мазҳабларининг ислом мамлакатлари оламида тутган ўрнини тўғри ва обектив ўрганиш, мустақиллик жараёнида дин тафаккурига қўшган тараққиёт босқичида исломни турли ғайри исломий қарашлар ва қўшимчалардан холи этиб Ўзбекистонда усул ал - Фикҳ илмининг ривожини ўрганиш муҳим масалалардан биридир.

Олимларнинг исботларича, инсон қилмишларининг ҳукми асосан тўртта шаърий манбадан чиқарилади. Улар Қуръон, суннат, ижмо (иттифоқ) ҳамда қиёсдир. Ушбу тўрт манбанинг ҳужжат эканлигига ҳамда даражалари ҳам шу тартибга кўра эканлигига ҳамма олимлар фикр билдиришган.

Усул ал-Фикҳ (араб. — фикҳ асослари, илдизлари) — ислом шариатида асосий манба ҳисобланган мана шу Қуръон, суннат, ижмо (иттифоқ) ва қиёсни ўрганадиган илмдир. Булар усулул аҳком, яъни ҳукмларнинг асли, асоси деб ҳам айтилади. [3] Масалан, мужтаҳиддан бирор ишнинг шаърий ҳукмини сўралса, у аввал Қуръони Каримдан жавоб ахтаради, топса, унга

биноан ҳукм қилади. Агар топмаса, ундан сўнг суннати набавийга мурожаат қилади, жавоби топилмаса, демек, суннатга суяниб ҳукм чиқаради. Агар ундан ҳам топилмаса, сўралган иш ҳукмига Пайғамбар алайҳиссалом вафотидан сўнг мужтаҳидлар айнан ўша сўралган иш юзасидан яқдил фикрга келган бўлсалар, ўша жавоб билан ҳукм чиқаради. (Расуллоҳнинг ҳаётликларида ижмў бўлмайди, чунки у зот ҳар бир саволга ўзлари жавоб берадилар). Агар бундай ижмў бўлмаган бўлса, мужтаҳид у ишнинг шаърий ҳукмини чиқариш учун қиёс йўли ила мазкур ишга ўхшаш ишлар юзасидан шариатга берилган жавобларда илмий асосда ёндашиб, ҳар томонлама мулоҳаза қилиб таққослаб, ўзининг бор илмини сарфлаб жавоб топади.

Мазкур тўртта асосий манбанинг ҳаққонийлигига ҳамда шу тартибда қилишига Қуръони Каримнинг Нисо сураси, 59-оятини далил бўлади. Мазкур оятини каримда «Аллоҳга итоат қилинг»дан Қуръонга эргашиш тушунилиши лозим. Расулга итоат қилинглар, дейилганида уломаларга эргашиш англашилади. Аммо бир фикрга қилиша олманган масалани Аллоҳга ва Расулга қайтариш — Аллоҳ ва унинг расулига айтган ҳукмларга солиштириш, яъни, қиёс қилиш демакдир.[7]

Ҳукм чиқаришда мазкур тартибга, яъни аввал Қуръон, кейин суннат, сўнг ижмо ва ундан кейин қиёс қилишига яна бир далил жаноби Расуллоҳ (с.а.в)нинг Муоз ибн Жабални, Яман мусулмонларига таълим

бермоқ учун юбораётган вақтларидаги кўрсатмаларидир.

#### Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Юқориди саналган тўртта манбаадан ташқари бир қанча манбаалар ҳам мавжуд. Аммо бу манбаларни баъзи олимлар манба бўлади десалар баъзилари бўлмайди дейдилар. Буларнинг энг машхурлари – ал истихсон, ал-маслаҳатул мурсалах, ал-истихсоб, ал-урф, мазҳабус-саҳобий ва шаъру ман қоблана.

“Илм – ул фикх” ҳуқуқшунослик тўғрисидаги фан бўлиб Ислому ҳуқуқини турли соҳаларини ўрганади. Фикх фани ўзига хос фан бўлиб, у биринчи навбатда дин масалаларини ўз ичига олади. Луғатда «ал-фикх» сўзи «ақл ила англамоқ, тушунмоқ» маъноларини беради. Истилоҳда эса у «ислом ҳуқуқи»ни англатади. Фикх фани – Ғарбда Исламис Лав, Муслим Лав (инглиз тилида), ле Дроит мусулман (француз тилида), [11] исламисче Гесетз (немис тилида) каби номлар билан юритилади. Дунёвий ҳуқуқ нормаларидан фарқли ўлароқ фикх ўз ичига кўпроқ ибодат масалаларини ҳам қамраб олади. Буни Таврот китобининг ибодат масалаларини жамлаб олган Талмудга қиёслаш мумкин. Шунингдек, фикх фуқаровий жамиятдаги кишилар ўртасидаги баъзи мулкӣ, фуқаролик ва бошқа масалаларни ҳам баҳс этади. Бу эса, ўз навбатида, фикхни юриспруденцияга яқинлаштиради. Айнан шу жиҳат давлат ҳуқуқи тарихини ўрганувчилар билан диний ҳуқуқни тадқиқ этувчи исломшунослар орасида турли талқинларни келтириб чиқармоқда.

Фикх илмининг мусулмонлар учун амалий диний қоидаларни ишлаб чиқувчи «фуруъ ал-фикх» («фикх тармоқлари») ва сакрал манбалардан амалий қоидаларни чиқариш (*истинбот*) услубларини тадқиқ этувчи «**усул ал-фикх**» («фикх асослари») деган асосий соҳалари мавжуд. [2]

Фикх илми *умманинг* олим кишилари орасида шакллана бошлади. Аввал у *Илоҳий Китобни* ақлий тушуниш ва изоҳ беришни англатган. Бу маънода илк даврда *фиқх* (ақлий тушуниш) *џилм* (нақлий тушуниш) нинг аксини билдирган. Аста-секин исломнинг амалий масалаларини баҳс этувчи фан шаклланиб, унга *џилм ал-фиқх* номи берилди. Пайгамбар вафотидан кейинги даврда Араб давлати ҳудудлари тез суръатлар билан кенгая борди. Унинг таркибига Андалус (Испания), Шимолий Африка, Миср, Сурия, Ироқ, Эрон, Хуросон, Мовароуннаҳр, Ҳиндистон ва бошқа ўлкалар киритилди. [8] Фикхнинг минтақавий мактабларида ислом амалиёти масалалари тезлик билан ишлаб чиқа бошланди. Уларнинг анъаналари ўзлари фаолият олиб бораётган муҳит ва маҳаллий маданият таъсири остида бир-биридан фарқ қилар эди. Бир-биридан узок бўлган ерларда мустақил фикх марказлари пайдо бўлди. Улар орасида катта араб қўшинлари турган Ироқ (Куфа, Басра), Миср, Шом, Ҳижознинг (Мадина, Макка) аҳамияти юқори бўлди. Мазкур маҳаллий марказларнинг урф-одатлари, эҳтиёж ва шарт-шароитлари турлича эди. Янги кўтарилган масалаларга киришилганда (*ижтиҳод*), ҳар бир фақиҳ турли ечим (*фатво*) қабул қиларди. Буларнинг бариси маълум ўлкаларда турли мазҳабларнинг пайдо бўлишига замин яратди.

Илк ривожланиш даврида фикхга доир бўлган масалалар миқёси, уларни муайян боблар ва фаслларга бўлиб ўрганиш анъаналари шаклланиб улгурди. Шу даврнинг ўзидаёқ фикх ислом фанлари орасида ўз ўрнини олди.

Муҳаддислар (традиционализм) ҳаракатининг бошланиши фикх илмининг ривожланишида янги даврни очиб берди. Фақат Пайгамбардан махсус техника (муҳаддислар техникаси) асосида нақл қилинган хабаргина муқаддас (диний) аҳамиятга эга эканлиги ҳақидаги фикр диний илмлар соҳасида эски қоидаларни зудлик билан ўзгартирди. Традиционализмнинг VIII аср мобайнида кучайиб бориши калом ва фикх соҳасида кескин бурилиш ясади. Бундан аввал қабул қилинган қоидалар янги талаблар асосида кўриб чиқишни тақозо этди. Бу ишларни амалга оширишда аш-Шофиъийнинг «ар-Рисола» асари муҳим ролни ўйнади.

Унда *нақлий* ва *ақлий* услублар, муқаддас матнлар ўзаро муносабатлари ўртасидаги зиддиятларни ҳал қилувчи методология асосланиб берилди. Бу билан усул ал-фикх фани дунёга келди. «Ар-Рисола» фикх олимлари орасида шу давргача олиб борилган «Аҳл ал-ҳадис» ва «Аҳл ар-раъй» гуруҳларининг зиддият ва ихтилофларига барҳам берди. Минтақавий мактаблардан персоналашган мазҳабларга ўтиш бошланди. IX-X асрлардаги сунний мазҳабларнинг сони камайиб, XII-XIII асрларда уламоларнинг ўзаро келишуви (*ижмӯ*) асосида улар тўртта деб эълон қилинди. Шу билан бир қаторда *ижтиҳод дарвозалари* ёпилганлиги ҳақидаги нореал фикр ҳам тарқатилди. [4]

Бунга оид кўп асарлар ёзилган бўлиб, фикх бўйича энг аввало пайдо бўлган китоблар орасида Имом Молик ибн Анноснинг “Ал Мутавво”, Зайд ибн Ҳасаннинг “Мажмӯъ ал – фикх”, Аҳмад ибн Ханбалнинг “Ал Муснод” асарларини айтиш мумкин.

Фикх соҳасида энг машхур асар ватандошимиз Бурхониддин Али ибн Абу Бакр ибн Абдужалил ал - Фарғоний ал – Марғиноний ар – Риштонийнинг “ал – Ҳидоя фи – л –Фуру” (фикх соҳалари ҳақида хидоя) китоби.

VIII асрнинг охири-IX асрнинг бошларида Мовароуннаҳрда ҳанафий мазҳаби тарқала бошлади. Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида шу мазҳаб таълимоти асосида Мовароуннаҳр фикх мактаби таркиб топди. Мовароуннаҳрлик фақиҳлар теран билимлари, қимматли асарлари билан ислом дунёсида катта шухрат қозондилар. Фақиҳларнинг давлат ҳукмрон доиралари, халқ оmmasига таъсири жуда кучли эди. Диний ҳаётда учрайдиган муаммоли масалалар фақиҳлар орқали ечилган. Фикх шахс, оила ва жамият ҳаёти турли шаҳобчалари масалаларини қамраб олганлиги туфайли Мовароуннаҳр мактаби намояндалари бу ўлка халқлари анъаналари, урф-одатларини умумислом мавқеларидан туриб таҳлил қилишдек вазифани бажарганлар. Мовароуннаҳрлик фақиҳларнинг бир неча авлодлари фаолияти орқали маҳаллий халқларнинг тарихий, ҳуқуқий анъаналари ислом маданиятида ўз аксини топди. [9]

VIII-X асрларда Мовароуннаҳрнинг айрим шаҳарларида ҳанафийликка асосланган илмий марказлар пайдо бўлди. Бухоро мактабига Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс ал-Кабир ал-Бухорий (в. 832 й.) асос солган. Самарқанд илмий марказининг шаклланишига Абу Муқотил ас-Самарқандий, Абу Бакр ал-Жузжоний, ал-Атакийларнинг таъсири катта бўлди. Бухоро фақиҳлари бу даврда асосан фикхнинг амалий масалалари (фуруъ ал-фикх) билан, самарқандликлар эса ўз илмий фаолиятларини илоҳиёт (усул ад-дин) мавзуи билан шуғулланишга қаратдилар.

XI-XIII asrларга келиб, фикҳ ривожі юксак поғонага кўтарилди. Қорахонийлар (999-1212) даври фақиҳлари умумислом даражасида шоҳ асарлар яратиб, ханафий мазҳаби классиклари мавқеига эришдилар. Ҳақиқатан ҳам Мовароуннаҳр ханафий мазҳабининг «қальаси» эди, десак адашмаймиз. Садрлар, ар-Риғдамуний, аз-Заранжарий, ал-Маҳбубий, ас-Саффор, ал-Паздавий, Самарқанд саййидлари, ал-Хайзоҳазий, ал-Ақилий, ал-Марғиноний оилалари илм ва ижтимоий ҳаётда кучли мавқега эга бўлдилар.

XI-XIII asrларда фаолият олиб борган Мовароуннаҳр фақиҳларидан Абу Зайд ад-Дабусий (в. 1037 й. дан аввал), ал-Ҳалвўий (в. 1056 й.), ас-Сарахсий (в. 1088-1089 й.), ал-Паздавий (в. 1089 й.), ас-Садр аш-Шаҳид (в. 1141 й.), Абу Ҳафс ан-Насафий (в. 1142 й.), Алў ад-дин ас-Самарқандий (в. 1144-45 й.), Бурҳон ад-дин ал-Кабир ал-Бухорий (в. 1174-75 й.), ал-Аттобий (ваф. 1190 й.), ал-Косоний (в. 1191 й.), Қозихон (в. 1196 й.) ва Бурҳон ад-дин ал-Марғиноний (в. 1197 й.) каби маълум ва машҳур фақиҳларнинг номларини келтириш мумкин. [1]

**Тадқиқот методологияси.** Мақоланинг муҳим назарий-методологик асосларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Президент Ш. М. Мирзиёевнинг мавзуга тааллуқли асарлари, нутқлариди таъкидланган янги назария, қарашлари ташкил этади. Шунингдек умумилмий методлар, яъни анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тизимлаштириш, ноаниқликдан аниқлик томон бориш каби методлар билан бирга тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

1. Қуръони қарим – Аллоҳ тарафидан 23 йилга яқин муддат мобайнида Муҳаммад пайғамбарга оятма-оят, сура-сура тарзида нозил қилинган илоҳий (сақрал) китобдир. Бу китоб ислом динининг муқаддас манбаси ҳисобланади. Ислом илоҳиёт мактабларидан бири *аҳл ас-сунна ва-л-жамоа* таълимотига кўра, Қуръон Аллоҳ таолонинг сўзи ва унинг азалий илмидир.

Муқаддас Ёзув кўп номларидан бири бўлган «Қуръон» сўзи – арабча «қараъа» (ўқимок) феълидан олинган. Бошқа фикрга биноан, у сурёний тилидаги «кераин» – «муқаддас ёзув» маъносини билдирувчи сўздан олинган. Қуръон суралардан иборат. Сура Қуръондан бир бўлак бўлиб, энг ками учта ёки ундан ортиқ оятларни ўз ичига олади. Қуръонда жами 114 та сура мавжуд. Оятлар сони эса, Қуръон мантларини тақсимлашнинг турли йўлларига кўра, 6204 та, 6232 та, ҳатто 6666 тагача белгиланган. Бу ҳар хиллик Қуръон нухаларининг бир-биридан фарқли эканлигини эмас, балки ундаги оятларнинг турли қирўат мактабларининг (уларнинг сони 14 дан ортиқ) анъаналари бўйича турлича тақсимланганлигини билдиради [12].

Қуръондаги суралар ўз мазмунига ёки нозил бўлган вақтига, яъни хронологик тартибига қараб эмас, балки ҳажмига кўра – аввал катта, сўнг кичик суралар тартибиди Пайғамбар вафотидан анча кейин йиғилиб, жойлаштирилган. Сураларнинг ҳажми ҳам ҳар хил: энг катта ҳажмли иккинчи сурада 286 оят бор бўлса, энг кичик суралар фақат 3 оятдангина иборат.

Қуръоннинг хусусиятларидан бири – унинг лафзи ҳам, маъноси ҳам Оллоҳдан эканлигидадир. Пайғамбар алайҳиссалом уни фақат ўқувчи ва бошқаларга етказувчи бўлганлар холос [5].

Қуръони Қаримда келтирилган қоида ва меъёрлар уч хил бўлади:

1 - Ўзбекистонда тааллуқли қоида ва меъёрлар: бунга оқил киши ўзбекистон қилиши лозим бўлган нарса-

лар қиради. Аллоҳга унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, киёмат кунига, ўлганидан сўнг тирилишига ишониш;

2 - Ахлоққа тааллуқли қоида ва меъёрлар. Бунга киши қандай гўзал хулқлар билан зийнатланиши ва қандай ёмон, ярамас хулқлардан узоқ бўлиши кўрсатилган.

3 - Амалиётга тааллуқли қоида ва меъёрлар. Булар инсоннинг ишлари ва сўзлари берилган ҳукмлар бўлиб, бошқача айтганда, Қуръон фикҳидир.

2. «Суннат» арабча «Йўл» маъносини билдиради. У йўл яхши бўлсин, ёмон бўлсин - суннат дейилади. Сунна Муҳаммад (с.а.в) нинг сўзлари, қилмишлари, ҳатти-ҳаракатлари, феъллари (амаллари) тасдиқлари, шунингдек саҳобаларининг сўзлари ва амаллари мажмуидан иборат. Сунна ҳақидаги ривоятлар ҳадисларда берилган. Ҳадислар, тўпламига сунна дейилади. Ҳадис арабча ривоят деган сўздан олинган бўлиб, ислом динида Қуръондан кейинги муқаддас манба ҳисобланади [4]. Ҳадислар Муҳаммад (с.а.в) нинг ҳаёти, фаолияти ва кўрсатмалари ҳақидаги ривоятлардан иборат. Қуръон мусулмонлар жамоасининг барча ҳуқуқий ва ахлоқий масалаларини қамраб ололмаганлиги сабабли VII аср охири VIII аср бошлари ҳадислар ёзила бошланди ва аста-секин тизимга солинди. IX-X асрлар диндорлар орасида обрўли деб танилган ҳадисларнинг 6 та тўплами вужудга келган. Булар: Муҳаммад Ал-Бухорийнинг «Ал-жомеъ ас-Саҳих» китоби, Муслим Ан-Нишопурийнинг «Ас-Саҳих» китоби, Ибн Можанинг «Сунан» тўплами Абу Довуд Ас-Сижистонийнинг ҳадислар тўплами, Муҳаммад Ат-Термизийнинг «Ал-жомеъ ал-Кабир» китоби, Ан-Нисонийнинг «Суннан» китобидир. Улардан «Саҳихи Бухорий» ва «Саҳихи Муслим» кўпроқ эъзозланади. Сунна ва Пайғамбар ҳадисларини тўплаб, уларни жаъмий (тўқима) ҳадислардан ажратиб олишда ватандош алломамиз Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (810-892) унутилмас ҳисса қўшиб ўзидан абадий ва барҳаёт асарлар қолдирган. Кўпгина ҳадислар Қуръоннинг турли қоидаларини тушунтириб беради ва тўлдиради. Улар кўплаб Амалий масалаларни ҳал этишда муҳим ижтимоий вазифани бажаради, улар ҳақида Қуръонда ҳеч нарса айтилмаган ҳолларда эса ҳадисларнинг аҳамияти янада ортади. Лекин ҳадислар Қуръонга зид келиб қолган тақдирда улар манба кучига эга бўлмайди [10].

Дастлабки халифаларнинг анъаналари ҳуқуқий характерда бўлиб, пайғамбаримизнинг обрўси билан боғлиқ бўлиб келган. X асрдан буён юқорида кўрсатилагн суннийликнинг олтига машҳур тўплами ўзида ислом анъаналарини ақс эттиради. Ислом амалиёти уларни шунчалик мувофиқлаштирганки, олтига тўпламнинг ҳаммасида мавжуд бўлган ҳадислар муқаддас қонун мавқеига эга бўлган. Исломшунос олим А.Ш.Жузжоний кўрсатишича, тадқиқотчи олимлар суннани икки хилга бўлиб ўрганадилар.

Биринчи тури шундан иборатки, агар бирор иш қилинмокчи бўлса, яратувчи томонидан ўша ишга тегишли фикр Пайғамбарга ваҳий орқали билдирилади. Пайғамбар уни ўз сўзлари орқали баён этади. Бу ваҳий, яъни ваҳий ҳафийнинг Қуръон оятлари, яъни ваҳий Жалийдан фарқи шундаки, Қуръон оятларининг ҳам мазмуни ва ҳам ибораси Аллоҳ томонидан Жаброил орқали юборилган [8].

Суннанинг иккинчи тури шуки, агар мусулмонлар ҳаётида тегишли бирон бир янгилик киритилиши

зарурияти сезилсаю, лекин уни ҳал қилиш учун Пайғамбарга вахий келмаса, бундай ахволда Пайғамбарга ижтиҳод киши, яъни масалани ўз шахсий фикри асосида ечиш учун рухсат берилган ҳисобланади

Пайғамбар Қуръоннинг шархловчи сифатида ташриъ қилиш(қонун тузиш) ваколатига эга бўлган. Шунга биноан Сунна ташриъ (қонун тузиш) бўйича икки асосий соҳани қамраб олади. Биринчи соҳа Қуръонда зикр этилган ҳукмларни ёритиб беришга боғлиқ. Иккинчи соҳа Қуръонда кўрсатилмаган ҳукмларнинг ташриъ (қонуний шаклда чиқариш)га боғлиқ бўлади.

Биринчи соҳада сунна Қуръони Карим оятларини тафсир ва таъвил қилади, мужмал ибораларини изоҳлайди, умумий маънога эга бўлганини хослаштиради, мутлоқ яъни қайду шарциз оятларга қайду шарт қўяди. Баъзи бир мисоллар: Қуръонда «Намоз ўқинглар» деб амр қилинган лекин намозларнинг сони, сифати, рақъатларининг сони Пайғамбар томонидан белгилаб ва амалда кўрсатиб берилган бу эса мужмал ибораларни изоҳлаш мисолидир.[9]

Умумий мазмунини хос қилишга мисол: Қуръонда мерос тизими, умумий маънода келган, лекин Пайғамбар мерос олиш учун дин бирлиги, қотил бўлмаслик ва қул бўлмасликни шарт қилиб қўйиб, уни хослаштирган. Масалан отасини ўлдирган ёки ноҳақ йўл билан унинг улишига сабаб бўлган фарзанд отасидан мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Иккинчи соҳада Суннага тегишли баҳс: зарурат чоғида Қуръонда айтилмаган Бирон бир янги ҳукмни Сунна белгилаб беради. Бу ўринда баъзи ҳукумлар Пайғамбардан вахий хафий (илхомга ўхшаган ҳолат) орқали содир бўлган ва баъзилари унинг ижтиҳоди ва шахсий фикридан келиб чиққан. Масалан: никоҳ битимининг тўғри бўлиши учун гувоҳлар шартлиги.

**3. Вақт ўтиши билан мусулмонлар жамоаси** – уммада вужудга келган вазият ва муаммоларни Қуръон ва суннат тўлиқ қамраб олалмаган. Улар мусулмонлар жамоаси- уммада рўй берган барча муаммолар ва вазиятларга тўлиқ жавоб бера олмай қолган. Шу тариқа шариятнинг янги манбага зарурат туғилади ва ижмў ислом ҳуқуқининг асосий манбалардан бири сифатида тасдиқланади. Ижмў(арабча-янгилик)-Қуръон ва ҳадисларга аниқ кўрсатма берилмаган ҳуқуқий масалани ҳал этишда фақиҳ ва мужтаҳидларнинг тўпланиб, ягона фикрга келган ҳолда ҳукм чиқариши (фатво бериши)дир. Шариятга шундай йўл билан чиқарилган ҳукм шаръий (қонуний) деб қабул қилинган. Ижмўга фикр манбаи сифатида қараш Араб халифалигида феодализм тартиб топа бошлаган давр (VIII аср охири-IX бошлари)да келиб чиқди. Мужтаҳид томонидан айтилган фикргина ҳал қилувчи фикр ҳисобланади. Оддий мусулмонлар фикрини эса ижмўга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Мужтаҳид деб диний олимга айтилади. Мужтаҳид (арабча – интилувчи, ғайрат қилувчи) ўрта асрларда исломда ижтиҳод ҳуқуқига эга бўлган, яъни мустақил равишда диний ақидавий масалалар бўйича ҳулоса бера оладиган ва ҳукм чиқара оладиган шахс. Суннийларда диний ҳуқуқ мазҳабларининг асосчилари, шиаларда юқори мартабали рухонийлар ва диний ҳуқуқшунослар мужтаҳид деб юритилади Мужтаҳид мусулмонлар орасида обрў – эътибор қозонган бўлиши лозим. Шунингдек шарият мужтаҳиднинг бошқа хислатларини, масалан, араб тилини тўла билишини, шариятга қатъий риоя

қилишини, ҳозирги замонга доир чуқур савияга эга бўлиши ва ҳоказоларни белгилаб беради.

Мисрлик олим Абдулвахҳоб Халлоф ижмўга қуйидагича таъриф беради: Ижмонинг лугавий маъноси “қасд қилмоқдир”. Мужтаҳидларнинг бир ҳукмга қилган иттифоқи “ижмо” дейилишининг боиси – мазкур ҳукмнинг шаръий ҳукм деб қасд қилишларидир. Усул уламолари истилоҳила эса, ижмонинг таърифи бундайдир: Мусулмонлардан бўлган мужтаҳидларнинг Расулulloҳ (с.а.в) вафотларидан сўнг, бирор даврда, шаръий ҳукумга қилган иттифоқи ижмў дейилади[10].

Таърифдан кўриниб турибдики, ижмў бўлиши учун тўртта руқн лозим: аввало, мужтаҳидлардан бўлиши керак, мужтаҳид бўлмаган олимларнинг иттифоқи ижмо эмас; иккинчидан, улар мусулмонлардан бўлиши шарт; учинчидан, Пайғамбар (с.а.в) вафотидан сўнг бўлиши керак, чунки ҳаётлик вақтларида барча шаръий масалаларда Пайғамбар(с.а.в)нинг ўзларига мурожат қилинган, шунингдек ижмо иттифоқ кўпчилик томонидан бўлади, яъки кишидан ижмў содир бўлмайди, тўртинчидан, ижмў қилинадиган масала шаръий масала болиши керак, дунёвий масалаларда бундай ижмў қилинмайди.

Демак, Пайғамбар алайссаломдан сўнг бирор воқеанинг ҳукми Қуръондан ҳам, суннадан ҳам топилмаса, ўша даврнинг мужтаҳидларидан масаланинг шаръий ҳукми сўралади. Уларнинг мазкур масала юзасидан бир фикрга иттифоқи ижмў бўлиб, у шаръий қонун ҳисобланади ва унга итоат қилиш лозим, қарши чиқиш мумкин эмас. Ижмў қилинган масала иккинчи бор кейинги давр мужтаҳидлари учун ижтиҳод мавзуи бўлиши мумкин эмас. Чунки ижмў билан собит бўлган ҳукм қатъий бўлиб, унга қарши чиқиш ҳамда уни насх (ҳукмини бекор қилиш) қилиш мумкин эмас.

Исломнинг илк даврларида Муҳаммад (с.а.в.) мухлислари ва издошлари ижмўга қатга эътибор бердилар. Барча ҳолларда бу тушунча диний-ҳуқуқий масала билан боғлиқ равишда белгилаб берилди ва улар билан тасдиқланади: ижмў уламоларнинг бир овоздан розилиги олингач амалга оширилган.

**4. Қиёс** – фикрнинг тўртинчи манбаи. Қиёс арабча сўздан олинган бўлиб, “тақослаш”, “солиштириш” деган маънони англатади. Бунга қўра бирор ҳуқуқий масала ўзига ўхшаш иккинчи ҳуқуқий масала билан таққосланади, солиштирилади ва улар бир-бирига тенглаштирилади. Демак, бунга биноан Қуръон ва суннада берилмаган бир ҳуқуқий масала улардаги шунга ўхшаш масала бўйича берилган кўрсатмага тақослаш йўли билан шарҳланади. Қиёс фақиҳлар ҳуқуқини кенгайтириб, шариятнинг турли ҳуқуқий масалаларга тадбиқ этилишига имкон яратди[6].

Қиёсни фикрнинг тўртинчи классик манбаи сифатида эътироф этилиши ҳадисга бориб тақалади. Унга ҳикоя қилинишича, Муҳаммад(с.а.в.) бир кун ўз саҳобалардан бири Муоз ибни Жабал разийиаллоҳу анҳуни Яманга диндан таълим беришга юбораётганида унинг одил судловни амалга оширишида нималарга таянишини сўрайди. У киши қуйидагича жавоб беради: “аллоҳнинг китоби билан. Агар ундан топмасам, ижтиҳод қиламан, ва ижтиҳодда нуқсонга йўл қўймайликка ҳаракат қиламан”.<sup>1</sup> Пайғамбар(с.а.в.) бундай фикрни мақуллаган эканлар. Ижтиҳод арабча “интилиш”, ғайрат қилиш” сўзларидан олинган бўлиб, диний ва ҳуқуқий масалалар бўйича мустақил фикр юритиш принциpidир. Ўрта асрларда фақат йирик

мусулмон фақхлари ва ислоҳиётчилари - мужтахидлар ижтиҳод ҳуқуқига эга эдилар. Х асрда суннийлик йўналишидаги шариат мазҳаблари шаклланиб, ислом ақидалари ишлаб чиқилгач, "ижтиҳод эшиклари ёпилиб кўйилади", ислоҳиёт, ҳуқуқ, ахлоқ, ижтимоий таълимотга фақат илгариги ислоҳиётчиларга тақлид қилиш мумкин, деб ҳисобланган. Тақлид консепсияси биринчи ўринга чиққан. XIX аср охиридан ислом диний ислоҳиётчилари ижтиҳод ҳуқуқини яна тиклаганлар, Қуръонни ва ислом таълимотини яхши билган ҳар бир мусулмон ижтиҳод қилиши мумкин деб ҳисоблаган.

Қиёс ҳуқуқий атама сифатида ҳукми аниқ бўлмаган масалаларни ҳукми аниқ бўлган масала билан солиштириб, ораларида мушрарак сабаб мавжуд бўлган суратда иккинчи масала ҳукмини аниқ бўлмаган масалага кўчиришдан иборат. Ўшанда иккинчи масала ислом қонунига мувофиқ бўлса, биринчи масала ҳам қонуний бўлади ёки аксинча[4].

Қиёс услуби айниқса Абу Ханифа ва унинг издошлари – ханифийлар томонидан кенг асослан-тирилган. Қиёсга ханбалийлар қарши чиққанлар. Шиалар эса қиёсни умуман ҳуқуқ манбаси сифатида тан олмаганлар.

**Таҳлил ва натижалар.** Мустақил Ўзбекистон инсоният руҳининг улуғворлиги ва ақл зиёсининг рамзи, умумбашариёт тафаккурининг бешикларидан бири бўлмиш диёрдир. Мустақил Ўзбекистон-ноёб маданият ва юксак маърифат, Шарқ турмуши фалсафаси, инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган адабиёт ва нафис санъат мамлакатидир. Мустақил Ўзбекистоннинг буюк тарихи ва ҳозирги замони ўзаро узвий боғлиқ. Унинг ақл-зиё ва маънавий-тарихий салоҳияти жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллайди.

Усул ал-фикҳ илми кўп қиррали илм сифатида турли тараққиёт босқичларини босиб ўтган. Ушбу содда кўринишли, бироқ ички мазмун ва моҳияти жиҳатидан ғоят мураккаб ҳамда бой бўлган бу илми ҳар томонлама ўзлаштириш учун унинг узоқ тарихга эга ўтмиши, теран илдизлари, асосий манбалари, ғоялари, устувор ёнарилишлари ва оқимларини илмий услубда танқидий тадқиқ қилмоқ зарур[7].

1. Қуръони Карим ва Суннатга асосланган фикҳ, илми ва бошқа шариат илмлари, тасаввуф ахлоқ (етика) илмлари, уларнинг кенг камровли атамаларини ўрганилди.

2. Ушбу ишни ёзишда Ислом ҳуқуқи шаклландан кейин ханафий мазҳаби таълимоти Абу ҳафс Кабир Бухорий (768-832) орқали тарқатилди. У бир

гуруҳ буюк фақиҳлар, жумладан ўз ўғли Абу Ҳафс Сағирни тарбиялаб, Бухоро шаҳрини фикҳ илми марказига айлантирганлигини кўрсатиб бердик.

3. Ўзбекистон ҳудудида фикҳ илми ва ханафий мазҳаби тарқалган иккинчи марказ Самарқанд шаҳри эди. Машҳур фақиҳ ва муҳаддис Абу Сулаймон Жўзжонийнинг шогирди, имом Абу Мансур Мотуридийнинг биринчи устози Абу Бақр Жўзжоний ханафий мазҳабининг атоқли вакили сифатида ушбу таълимотни тарқатишга катта улуш кўшганлиги аниқланди.

4. Ислом ҳуқуқи - нуфузли, амалга ошириш зарурий бўлган юриш туриш, одоб-ахлоқ, диний, ҳуқуқий қоидалар мажмуидир. Ислом ҳуқуқи фалсафани ўзида мужассам этган, қонун этикаси фикҳ илмида ка шф этилган. Фикҳ илми ҳам буюк алломалар ва ҳуқуқий тафаккур эгалари меҳнатлари билан ривожланганлигини асосланди.

5. Тасаввуф таълимоти марказида инсон моҳиятини тушуниб олиш, уни тубанликлардан кутқазиб, руҳидаги маънавий томонларни юксалтириш ва қомил инсон мақомига кўтгариш ғояси ётади.

**Хулоса.** Мустақиллик туфайли тарихга бўлган муносабат тубдан ўзгариши биз ўз тарихимизни, жумладан, она заминимизда тузилган ва раванқ топган давлатлар ва дин тарихини холисона, мафкуравий ақидаларни холисона ўрганиш имкониятига эга бўлдиқ. Ўзбекистон ҳудудида фикҳ илми тарқалган марказлар Бухоро ва Самарқанд шаҳридир[11].

Муҳаммад Ибн Ҳасан Шайбонийнинг мумтоз шогирдларидан бири бўлмиш Абу Ҳафс Аҳмад Ибн Ҳафс ал-Кабийр ал-Бухорий (у.832 й.) биринчи бўлиб, IX аср бошларида ушбу мазҳаб таълимотининг ҳақиқий ташувчиси сифатида ўз ватанига қайтиб келган, Бухоро шаҳрини ханафийликнинг муҳим марказларидан бирига айлантирган Унинг тарбияси остида бир гуруҳ фикҳлар, жумладан, ўз даврида ханафий мазҳабининг шайхи ва салоҳиятли вакили бўлган унинг ўғли Абу Ҳафс Сағийр Муҳаммад Ибн Аҳмад Ибн Ҳафс юксак даражали фикҳ мартабасига етган.

Самарқандда фикҳ илми машҳур фақиҳ ва муҳаддис Абдусулаймон Жўзжонийнинг атоқли шогирди, Абумансур Мотуридийнинг йирик устози Абубақр Жўзжоний ханафий мазҳабининг атоқли вакили сифатида ушбу таълимотни тарқатишга катта улуш кўшиб Ўзбекистон ҳудудида фикҳ илми тарқалишига катта ҳисса кўшган.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Абу Юсуф Яъқуб б. Ибраҳим ал-Куфи. Китаб ал-Харадж. Санкт-Петербург, 2001.
2. Абдулвахоб Халлоф. Фикҳ. (Ислом қонушноснослиги асоси) 1 – 2 қисмлар. Т.: "Адолат" 1997. 50 – 51 б.
3. Жужоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги, ханафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. Т.: Тошкент ислом университети, 2002.
4. Мўминов А. Мовароуннаҳр уламолари: ханафийлар // Шарқшунослик, № 9, 1999, Б. 40-44.
5. Мўминов А. Имом-и Аъзам Абу Ханифа // Мулоқот, № 7-8, 1994, Б. 37-40.
6. Кодиров З. Имом Аъзам ҳаёт йўли ва фикҳ усуллари. Т.: Мовароуннаҳр 1999.
7. Goldziher I. Introduction to Islamic Theology and Law. Princeton, 1981.
8. Hallaq W. A History of Islamic Legal Theories. An Introduction to Sunni Usul al-Fiqh. Cambridge, 1997.
9. Schacht J. An Introduction to Islamic Law by Joseph Schacht. Oxford, 1964.
10. Schacht J. The Origins of Muhammadan Jurisprudence. Oxford, 1950.
11. Ислам. Энциклопедический словарь. Москва, 1991. Б. 254-259.
12. Сюкияйнен Л.Р. Мусулманское право: Вопросы теории и практики. М., 1986.



УДК: 008-048.25(575.1-13)  
39-048.25(575.1-13)

*Нурулло ТУРСУНОВ,*  
*Термиз давлат университети доценти*  
*E-mail: nurullo.tursunov@inbox.ru*

*ТерДУ доценти, тарих ф.н. Пардаев Т.Р. тақризи асосида*

### CUISINE, COOKING AND HOSPITALITY OF THE PEOPLE OF SOUTHERN UZBEKISTAN: TRADITION AND MODERNITY

Annotation

Described in the article, the rich material and moral culture of the population of southern Uzbekistan, being an inseparable part of the general national culture of the Uzbek people, at the same time has features characteristic only for this region, that is, the culture of regional and local significance. Therefore, the study of the culture of the population of this region requires constant and unwavering attention from researchers. This article scientifically researched the culture of the southern regions of the population of the country - Kashkadarya and Surkhandarya regions, which made its rich tape into the national ethnoculture of our people.

**Keywords.** people, population, guest, hotel (in this case, a special room or a special corner in the house for meeting guests), caravanserai (before the revolution in the east for a permanent caravan of merchants, like a hotel today, but not at all), work-parking, tablecloth, food, fruit, sweets, culture, city, village, region, tradition, rite.

### КУХНЯ, КУЛИНАРИЯ И ГОСТЕПРИИМСТВО НАРОДОВ ЮЖНОГО УЗБЕКИСТАНА: ТРАДИЦИИ И СОВРЕМЕННОСТЬ

Аннотация

Описание в статье богатая материальная и моральная культура населения южного Узбекистана являясь неразрывной частью общенациональной культуры узбекского народа, вместе с тем носит черты, характерные только для данного региона, то есть культуру локального и местного значения. Поэтому изучение культуры населения данного региона требует от исследователя постоянного и неразрывного внимания. В этой статье научно исследована культура южных регионов населения страны - Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей, которая внесла свою богатую ленту в общенациональную этнокультуру нашего народа.

**Ключевые слова:** народ, население, гость, гостиница (в данном случае специальная комната или специальный уголок в доме для встречи гостей), караван сарай (до революции на востоке для постоянки каравана торговцев, вроде сегодняшней гостиницы, но совсем не то), работ-стоянка (кишлак, город, караван сарай и т.д.), дастурхоним-накрывали стол, то есть на него положили пищу, еду и т.д., пища, фрукты, сладости, культура, город, село-деревня, регион, традиции, обряды.

### ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ ТАОМЛАРИ, ПАЗАНДАЧИЛИГИ ВА МЕҲМОННАВОЗЛИГИДАГИ АНЪАНАВИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

Аннотация

Мақолада, келтирилган Жанубий Ўзбекистон аҳолиси томонидан яратилган бой моддий ва маънавий маданият ўзбек халқи этномаданиятининг ажралмас бир қисми бўлиши билан бирга ўзига хос локал ва маҳаллий жиҳатларига ҳам эга. Шу боисдан ҳам ўрганилаётган ҳудуд аҳолисининг моддий ва маънавий маданиятини кенг кўламда тадқиқ этиш ва ўрганиш мунтазам давом этадиган жараён ҳисобланади. Мамлакатимизнинг жанубий вилоятлари Қашқадарё ва Сурхондарё аҳолисининг моддий ва маънавий маданияти халқимизнинг бой этномаданиятига ўзининг муносиб улушини қўшганлиги илмий тадқиқ этилди.

**Калит сўзлар:** халқ, аҳоли, меҳмон, меҳмонхона, қарвонсарой, работ, дастурхон, таом, мева, ширинлик, маданият, шаҳар, қишлоқ, ҳудуд, урф-одат, анъана, маросим.

**Қириш.** Ўрганилаётган ҳудуд аҳолиси таомлари, пазандачилиги ва меҳмоннавозлиги маданияти минг йиллар давомида шаклланган. Халқларнинг моддий маданиятида улар тайёрлаган, истеъмол қилган таомлар муҳим ўрин туган. Маълумки, ҳар бир халқ жамият тараққийнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ривожланиши жараёнида турли-туман таомлар тайёрлашган, яратишган ва истеъмол қилишган. Собиқ совет даврида ва хорижий мамлакатларда халқимизнинг меҳмондўстлиги тушунчасини моҳиятан талқин этиш масаласига турлича ёндашувлар бўлган

бўлсада, аммо умумий мақсад битта бўлиб, у ҳам бўлса, инсоннинг диди, кийиниши, меҳмонни кутиб олиш ҳолати, муомала маданияти, халқимизга хос дунёқарашини очиб беришдан иборат. Меҳмонхоналарнинг кўриниши, табиий шарт-шароитга қараб қурилиши, тузилиши ва ҳатто турли даврларда ҳар хил номлар билан аталиши тарихий манбалар, илмий адабиётлар, эсдаликлар, хотиралар ва дала тадқиқотлари асосида ёритиб берилган.

Жанубий Ўзбекистон аҳолиси таомлари, пазандачилиги ва меҳмоннавозлик маданияти билан

боғлиқ меҳмонни кутиш, меҳмонни хурматини жойига қўйиш ва меҳмонхоналар ҳақида ҳам илмий жиҳатдан баён этилган.

#### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.**

Меҳмондорчилик, яъни меҳмон кутиш ва кузатиш одати дунёдаги аксарият халқларга хос хусусиятдир. Ўзбек халқи эса бу борада, нафақат улардан ажралиб туради, балки уларнинг таҳсинига сазовор бўлиб келади. Мақолада, Руи Гонзалес де Клавихо, А.Қодирий, Н.Хаников, А.Д.Костенко, Исо Жабборов, О.А.Сухарева, Ф.Ефримов, К.Маҳмудов, Е.Березиков, У.Қорабобоев, Ф.Қувонова, И.Умаровларнинг асарларида халқимизнинг миллий минталитети, миллий урф одатлари, эволюцион кўринишда меҳмондўстлик анъаналари минг йиллар давомида аجدодлардан авлодларга кадрият сифатида ўтиб келинганлиги, меҳмонхоналарнинг тузилиши, яъни структуравий жиҳатлари кўрсатиб берилган. Аммо ҳалигача яхлит ҳолатда бу мавзуда илмий тадқиқотлар таҳлил этилмаган. Бошқача айтганда, минтақага, мамлакатимизга хос меҳмондорчилик, меҳмонхоналар тўғрисида бугунги ҳаёт тарзимиз билан боғлиқ ҳолда ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Шарқ халқлари орасида машҳур бўлган Ҳотам Той ҳикоятлари, улуғ мутафаккир Алишер Навоий асарлари орқали кўпчиликка таниш, албатта. Уларда энг сўнгги лукмонигача саҳийлик билан меҳмонга тутқазган, оила ва қабила шаънини сақлаб қолган инсон ҳақида ҳикоя қилинади. Халқимиз қадим замонларданок “Меҳмон отангдек улуғ” деган ақидага амал қилган ҳолда меҳмоннинг хуштавоэе, кўнгли очкилик билан кутиб олинган [1].

Қадимдан Шарқда мусофирхоналар, карвонсаройлар мавжуд бўлган. Бу жойларда ўзга шаҳар ва мамлакатлардан сайёҳлар, савдо-тижорат ахиллари, элчию-чопарлар вақтинчалик бошпана топишган. Қишлоқларни туташтириб турувчи йўл бўйларида работлар қуришган. Деҳқонобод туманидаги Оқработ қишлоғи илгари “Охир Работ” деб аталган, кейинроқ “Оқ Работ” деб аталиб бошлаган [15].

Ўтмишда ҳар бир бой хонадоннинг ташқарисида меҳмонхона жойлашган. Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” романида марғилонлик савдогар-Мирзакарим Қутидорнинг меҳмонхонаси ҳақида: “Ҳовлининг кун чиқарида кун ботишига қараб солинган, унча махтарлик бўлмаса ҳам аммо замонасининг олдинги биноларида ҳисобланган бир айвон билан бир уйга кўз тушадир. Саҳн ва бинолар киши зотидан бўш, шунинг учун бу ҳовли оиланинг ташқари қисми-меҳмонхона эканлиги англашилур” [2]. Оддий хонадонлар ҳам уйининг бир хонасини алоҳида меҳмонлар учун ажратиб, шунга яраша жиҳозлаб қўйишган. Бу хона имкон қадар қулайликлар билан таъминланган[1].

Алоҳида меҳмонхона учун хона ажратиш имкони бўлмаган хонадонлар чиройли матолардан тикилган 3-4 кўрпача, 3-4 болишни (ёстикни) хоналаридан бирининг бир бурчагига тахлаб, устига ёпинчик ёпиб қўйишган, бу кўрпача ва ёстиклар фақат меҳмонлар келгандагина ишлатилган. Бир қараганда оддий кўринган бу ҳолат меҳмондўстлиқнинг бир исботидир.

**Тадқиқот методологияси.** Халқимизда хонадонга меҳмон келиши маълум маънода шараф ҳисобланади. Кўп меҳмон келадиган оилаларга нисбатан “Эшикли уй”, “келди кетдиси кўп”,

“меҳмондўст”, “меҳмоннавоз”, “дастурхони очик уй” деган хайрли иборалар ишлатилади.

Ўрганилаётган ҳудуд аҳолиси таомлари, пазандачилиги ва меҳмонновозлиги маданияти минг йиллар давомида шаклланган. Халқларнинг моддий маданиятида улар тайёрлаган, истеъмол қилган таомлар муҳим ўрин тутган. Маълумки, ҳар бир халқ жамият тараққиётининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ривожланиши жараёнида турли-туман таомлар тайёрлашган, яратишган ва истеъмол қилишган. Меҳмонхоналарнинг кўриниши, табиий шарт-шароитга қараб қурилиши, тузилиши ва ҳатто турли даврларда ҳар хил номлар билан аталиши тарихий манбалар, илмий адабиётлар, эсдаликлар, хотиралар ва дала тадқиқотлари асосида ёритиб берилган.

Ушбу мақолада, Жанубий Ўзбекистон аҳолиси таомлари, пазандачилиги ва меҳмонновозлик маданияти билан боғлиқ меҳмонни кутиш, меҳмонни хурматини жойига қўйиш ва меҳмонхоналар ҳақида ҳам муҳим маълумотлар илмий жиҳатдан баён этилган. Демак, мақолада эволюцион, структуравий ва функционал назариялардан фойдаланилган. Чунки таомланиш маданияти аста-секинлик билан ўзгариб борган бўлса, таомларнинг тузилиши, хилма-хиллиги бу таомнинг тайёрланиши ва дастурхонни безатилишига боғлиқ бўлган.

Ўзбекларнинг миллий одатига биноан меҳмонларни дастурхон атрофига чорлаб жойлаштириш, асосан, уларнинг ёшига ва эл олдидаги хурматига қараб тўрдан бошланган. Фотиҳа ўқилгач, даставвал нон ушатилиб, меҳмонга чой берилади, кейин иссиқ овқатлар тортилади. Овқат ҳам дастлаб ёши катталарга ва тўрда ўтирганларга берилган. Чой ҳар бир меҳмонга бир пиёла берилади, жанубий вилоятларда яшовчи туркманларда (масалан Термиз яқинидаги Паттакесар туркманларида, Қашқадарёда Помик туркманларида ) ҳар бир кишига биттадан кичикроқ чойнак ва биттадан пиёла берилади ва меҳмон ўз хоҳишича чойни қуйиб ичаверади. Кўпчилик жойларда чойни мезбоннинг ўзи қуйиб беради ёки бу вазифа меҳмонлар орасидаги энг ёшига юклатилади.

Бу одат ҳозиргача кўпроқ қишлоқ аҳолиси орасида кузатилади. “Бор, товоғим кел товоғим, бормасанг келмасанг ўрта ерда син тавоғим” бу мақолни қишлоқ момолари кўпроқ келинлари ва кизларига қайтариб туради, бу мақол қўшнилар орасида меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди. Бугунгача қишлоқларда боғларида пишган мевалардан, сабзавотлардан, полиз экинларидан қўшниларга улашилади, яъни “ҳамсоя товоқ” қилинади [3].

**Таҳлил ва натижалар.** Ўтмишда аждодларимиз меҳмон кутиш одатлари келаётган кишининг обрў-эътибори, жамиятда тутган мавқеига ёки яқинлигига қараб, турлича бўлган. Кимгадир оддий чой-нон қўйилган. Меҳмонлар хурматга сазовор бўлса, қўй сўйилиб, қўни-қўшни ва яқинлар чақирилиб, зиёфат берилган. Катта амалдорлар орасида меҳмондорчилик ҳатто тўн бериш даражасигача кўтарилгани тарихдан маълум [4]. Шу ўринда испан элчиси Руи Гонзалес де Клавихонинг “Амир Темур Испания элчиси нигоҳида” деган асарида меҳмондорчилик ҳақида маълумотлар келтирилган: “Испан ва бошқа турли мамлакатлардан келган элчиларни ўтказишиб бўлганларидан сўнг, кўпгина қайнатилган, дамланган, қовурилган қўй гўштидан ва қовуриб пиширилган от гўшти билан меҳмон қилишди.

Бу кўй гўштарини туткичи катта териди олиб келишди. Соҳибқирон гўштдан тановул қилишни истаса, хизматкорлар терини устидаги таоми билан унинг олдида олиб боришар, чунки гўшт кўплигидан терини кўтарсалар ёрилиб, йиртилиб кетиши мумкин эди.

Соҳибқироннинг олдида йигирма кадамча қолганда хизматкорлар тўхташди ва гўштни нимталаш учун қассоблар кўлларига тери кўлқоп кийган ҳолда келишди ва тиз чўкишиб гўштарини нимта-нимта қилишди, бўлақларини бирма-бир мис, сопол, кумуш, тилла ва қимматбаҳо чинни идишларга солишди.

Яхши кўриб ейдиган овқатлари пиширилган от гўшти бўлиб, у отнинг бел қисмидан, суяксиз ҳолда пиширилган бу таомни тилла ва кумуш идишларга кўй гўшти билан ёнма-ён солишди, яна ёнига муштдай келадиган пиширилган от жигари ҳамда кўй каллаларидан солишди. Шунга ўхшатиб тайёрланган бошқа таомларни ҳам ёнма-ён кўйишди. Кейин хизматкорлар идишларида шу таомнинг шўрвасини олиб келишиб, ҳалиги гўштар устидан кўйиб, таомларнинг устига тўрттадан ёпилган нонлардан кўйиб, иккита ва учтадан бўлишиб таомларни Соҳибқироннинг ва меҳмонларнинг олдида олиб боришди. Соҳибқирон ҳурмат юзасидан олдидаги таомлардан икки хилини элчиларнинг олдида олиб кўйдирди. Шу гўштни кўйиши биланоқ, унисини олишиб, яна бошқа гўштни олиб келиб кўшди. Биринчи кўйилган гўшт одат бўйича меҳмон ўзи билан олиб кетиши учун кўйилар, лекин кўплигидан уни кўтариб кетишнинг ўзи бўлмас эди. Агарда элчиларнинг олдида кўйилган гўштарини олиб кетишнинг иложи бўлганда эди, улар учун бу ярим йилгача етар эди.

Қовурилган ва пиширилган кўй гўштини олиб ўрнига димлаб пиширилган кўй гўшти ва ҳар хил таомлар билан меҳмон қилиб, сўнгра ширин-шакар ҳол мевалардан-олма, узум, шафтоли, тарвуз, ковун кейин олтин ва кумуш кўзаларда қанд солинган от сути олиб келишди. Айтишларича, жуда ширин, мазали бу ичимлик асосан ённинг иссиқ кунларида кўпроқ ичилар экан... Элчилар қабул қилинган боғнинг номи “Дилкушо” эди” [5].

Оддий халқ одатлари бўйича меҳмон уйга таклиф этилиб, кўрпачалар тўшалиб, ёстиклар кўйилиб ўтиришга таклиф этилади. Ўртага дастурхон ёзилиб, унга бисотида бор ноз-неъматлар, турли таомлар кўйилади. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос меҳмон кутиш одатлари бор, бир миллатнинг меҳмон кутиши бошқаларникига ўхшамаслиги мумкин, шунингдек бир туман аҳолисининг меҳмондорчилиги иккинчи туман аҳолисиникига, ҳатто бир қишлоқ аҳолисининг меҳмондорчилиги, иккинчи қишлоқ аҳолисиникига ўхшамаслиги мумкин.

Карим Маҳмудов “Меҳмоннома” номли асарида шундай ёзади: “Ҳурматли кексалар билан суҳбатда шу нарса аниқландики, қадим замонлардан буён меҳмонни самарқандликлар худди нон-насиба каби ҳурмат қилар эканлар. Меҳмонга атаб, атайлаб махсус патирлар пиширилган, нонни тайёрлаганларида юзини хамирдан нақшинли кунградор қилиб безатганлар. Ҳатто баъзан ноннинг юзига шеърин мисралар ва азиз меҳмонларнинг номлари битилган. Меҳмонлар кетар пайтида баёт битилган, чиройли безатилган нонларни уларнинг кўлига тутқазилган. Ушбу нонларни меҳмонлар эҳтиёт қилиб мисоли бир санъат асари

каби ўз уйларининг деворларига осиб қўйганлар. Яхши меҳмондорчиликдан эсдалик бўлган нон яна безак вазифасини бажариб турган” [6].

Икром Умаровнинг ёзишича: “Таом пишириш учун, албатта, ҳайвон ёғи, зиғир ёғи, кунжут мойи, ишлатилган. Ҳайвон ёғи қозонда эритиб олинган бўлса, кунжут, зиғир ва бошқа мойлар жувозхоналарда сиқиб олинади. Пахта мойи XX аср ўргатаридан истеъмолга қиради. Шунингдек, аҳоли таомномасига балиқ махсулотлари, олма, олча, шафтоли, зардоли каби хўл мевалар; қуруқ мевалардан: ёнғоқ, майиз, pista, бодом; қуритилган мевалардан: олмақоқи, гўлин, ковунқоқи; ширинликлардан: шинни, ҳолва, шакар ва бошқалар кирган. Баҳорда пишириладиган сумалак маросим таоми эди. Овқатларга турли кўкатлар-пиёз, саримсоқ пиёз, гашнич, шивит кўшиб ейилган. Қувват бўлиши учун қишда ҳулул (наъматак) чойини ичишган. Ёз ва кузда ғамлаб қўйилган махсулотлар эрта баҳор келиб тугаганда тоғларда ўсиб чиқадиган турли ўсимликлар-исмалок, чукри, харрон, улжон истеъмол қилишган.

Олов ёқиш учун чақмоқтошдан фойдаланганлар. Кейинчалик XX аср бошларидан гугурт ишлатила бошланди. Аммо бу даврда гугурт қиммат ва камёб эди. Шунинг учун овулдаги бирор уйда ўт ёқилса, кўшнилари бу жойда эшак тезагини дудлатиб олиб хонадонига олов келтиришган.

Одатга кўра, бир кунда уч маҳал овқатланилган. Тановулдан кейин қўл яхшилаб ювилган. Ҳамма ерга тўшалган дастурхон атрофида ўтирган. Тайёрланган таомни оила аъзолари тўлиқ жам бўлганда еганлар. Овқатни биринчи бўлиб ёши улуг киши... Бисмиллоҳи раҳмони раҳим” сўзлари билан бошлаб берган. Қуюқ овқат қўлда, суюқ овқат қошиқда истеъмол қилинган. Шўрва нон тўғраб ейилган. Овқатланиб бўлинганди катта ёшдаги киши дастурхонга дуо қилади. Шундан сўнг дастурхон йиғиб олинади.

Уйга меҳмон келганда дастурхонга жуфт нон кўйилади. Нонни сотиб олиш (одат) бўлмаган. Бинобарин, ўрганилаётган ҳудудда нон сотиладиган дўкон ҳам йўқ эди. Оилада нон тугаган бўлса ёки шу кунни нон пишира олмаган тақдирда, кўни-кўшнидан бир-иккита нон олиб турганлар ва у эрта индин қайтариб берилган. Шунингдек, элда мавжуд удумга кўра, кимда-ким нон ёпса албатта кўшнига бир дона нон чиқарган. Нон узилаётган вақтда бирор киши тасодифан тандир ёнидан ўтиб қолса, таомилга кўра, иссиқ нондан бир ушатим унга узатилиб, меҳмон қилинган.

Қишлоққа четдан бирор киши келган тақдирда, меҳмон қўнган хонадонга энг яқин қариндошлар сут ичига сариёғ ва қаймоқ қўшиб эритганлар. Қолган кўшнилари уйда қандай таоми бўлса, ўшани олиб боришган. Элда камбағалчилик ҳали кўпроқ даврларда меҳмон кетган бўлса, ортиб қолган овқат (таом) эгасига қайтарилган.

Овулга эшон келганда барча хонадонлар уни меҳмон қилишга ҳаракат қилишган. Одатда қавм пирлари муайян хонадонларга жойлаштириллар, ҳар бир уй бошлиғи ўзининг энг яхши таомини эшон қўнган уйига олиб борар эди. Аҳолининг энг яхши таомига буламик, ширбиринч, қаймоқ кирган, иктисодий бақувват хонадонлар эшонларга мол сўйганлар. Қадрдон дўстлар келганда катта иззат билан меҳмон қилишган. Иложи етганлар дўст ҳурматида мол сўйиб, барча қариндош, кўшнилари ҳам чақиришган. Умум,

овулда (қишлоқда) бирон киши мол сўйганда, бутун овулдошлари чақириб меҳмон қилинади.

Келган меҳмон уйининг тўрида, мезбон унинг қаршисида ўтирган. Катта ёшли одам, хоҳ меҳмон-хоҳ мезбон бўлсин, биринчи бўлиб ҳол-аҳвол сўрашни бошлаган. Жийда ёки беҳи баргидан чой дамланган. Мезбон чойнақдаги чойни уч марта қайтарган. Биринчи пиёла билан ўзига олади, кейин меҳмонларнинг ёшига қараб навбати билан чой узатилади. Камбағал оилаларда пиёла кам бўлгани учун битта пиёла навбати билан айлантирилган. Овқат ҳам шундай ейилган бир товоққа бир қошиқ қўйилиб, навбати билан шўрва (қайнатма шўрва, лочира шўрва) ичилган. Палов ва бошқа қуюқ овқатлар эса, қўл билан ейилган” [7]. Мамлакатимиз шаҳарлари ва қишлоқлари аҳолиси келган меҳмонни таомларимизнинг султони палов билан меҳмон қилган, меҳмон шошиб турган бўлсаям битта ош (палов) емасдан кетмайсиз деб туриб олган, ҳозир ҳам шундай иззатли меҳмонни битта ош едирмасдан уйдан чиқармайди, жавоб бермайди.

Дашт қишлоқлар аҳолиси иззатли меҳмонни “жонлик” сўймасдан уйдан чиқармайди. Бу меҳмоннинг мавкеига қараб қўй, эчки, қўзи, улоқ ҳеч бўлмаганда хўроз бўлиши мумкин. Хўроз бўлсаям уни ош қилиб (палов) остига бостиришган. Ўтроқ ва ярим ўтроқ аҳоли меҳмондорчилигининг бундай фарқланишининг ўзига хос сабаблари бўлган. Шаҳар аҳолисининг нари борса 4-5 сотих ҳовлиси бўлган. Чорва боқишга, чорвани озуқа билан таъминлашга имкони бўлмаган. Тўғри, бозорларда махсус беда, сомон бозорлари бўлган, шуни ҳисобидан, бой хонадонлар уйларида юз-икки юз ва мингдан ортиқ майда мол асраган, лекин беданинг бови палон сўм, сомоннинг қанори пистон сўм бўлган. 1950 йилларда ҳам Қаршида сомон бозори бўлгани, дашт қишлоқлари аҳолиси эшакларда, қанорларда сомон олиб, келиб сотганлиги ва ҳатто ҳозир ҳам Ерқўрғонда хашак бозори бор [15]. Бундан ташқари шаҳарларда, катта қишлоқларда қассобхоналар бўлиб, қассоблар гўштни бозорлардаги махсус гўшт расталарида ёки уйларидаги ўз гўшт дўконларида сотишган [15].

Масалан, қассоблар ҳақида ўтроқ аҳоли масканларида (шаҳарлар, катта қишлоқлар) қассоблар сулоласининг борлиги, қассобхоналар, гўшт дўконларининг бўлиши, бу ўринда Исо Жабборовга мурожаат қиламиз: “Мол сўйиш, гўшт билан махсус кишилар-қассоблар шуғулланган. Ўзбекларда “Чумчук сўйса ҳам қассоб сўйсин”, деган мақол бежиз айтилмаган. Озиқ-овқат касбидаги хунармандлар ичида энг кўпи, ҳам қассоблар бўлган. Қассобларнинг дўконлари барча катта-кичик бозорларнинг махсус дасталарида, ҳар бир қишлоқ ва маҳалларда харидорларга яқин ерларда жойлашган” [3].

И.Умаровнинг ёзишича: “Деярли барча эркак мол сўйган. Қўйни сўйиш учун ерда чуқурча қазилиб, устига хас ёки майда шабба тўшалган. Сўйишда гулванд пичоқ ишлатилган” [7]. И.Жабборовнинг қайд этишича: “Қадимги чорвадор ўзбекларда меҳмон келганда, қўй сўйилса дастлаб унга гўшт, жигар ўпка, буйракларидан озроқ ёғда (жизга билан, яъни думба билан) ковриб берадилар. Кейин шўрва осилиб, гўшти айрим лаганда дастурхонга тортилади. Жанубий Ўзбекистонда дашти кипчоқ ўзбекларининг бир қисмида ҳозиргача меҳмонга қўйнинг калласи, оёқ ва ичак-чавоқларини пишириб олдиға қўядилар [3]. Мабода уйга келган меҳмоннинг олдиға қўйнинг

каллеси пишириб тортилмаса мезбон меҳмонни эски гўшт билан меҳмон қилган, яъни ҳурматини жойига қўймаган деб ҳисобланган [8].

Бугунги кунгача ҳам халқимиз меҳмондорчилигида қадимий анъаналар маълум даражада сақланиб келинаётганлиги, бу эса ҳудудларда ўзига хос этник ва локал хусусиятлар мавжуд эканлигини кўрсатади. Шу билан бирга ўтган давр ичида мамлакатимизда, жумладан ўрганилаётган ҳудудда кечган, сиёсий-иқтисодий, ижтимоий жараёнлар моддий ва маънавий маданиятимизнинг турли жабҳаларида таъсири бўлганидек, меҳмонновозлигимизга ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади.

Бу трансформацион жараёнлар, айниқса, Советлар бошқаруви йилларида таъсирли кечди, яъни қўлаб миллий кадриятларимизга оид меҳмон кутиш одоби, меҳмондорчилик ва дастурхонни безатиш билан боғлиқ бўлган анъаналаримиз унутила бошланган эди. Маълумки ўрганилаётган ҳудуд қадимдан Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашганлиги, минтақанинг иқтисодий ҳаётигагина таъсир этиб қолмасдан, балки халқимизнинг қадимдан меҳмондўст, меҳр-окибатли, ўзгаларга хушмуомала бўлишига ҳам олиб келган. Савдо йўллари бўйича қанчадан-қанча работлар, қарвонсаройлар мавжуд бўлган. Қарвонсаройлар нафақат савдо йўллари бўйида, балки йирик қишлоқ ва шаҳарларда ҳам қурила бошлаган. Уларнинг сони йилдан-йилга ортиб борган. Қарвонсаройлар сони савдо-сотикнинг ривожига билан боғлиқ бўлиб, Ўрта Осиёда Бухоро амирлиги алоҳида мавқега эга эди. XIX асрнинг 60-йилларида Деновда 5 та, Шерободда 3 та, Бойсунда 2 та, Китоьда 3 та, Шаҳрисабзда 7 та қарвонсарой мавжуд бўлган бўлса, XX аср бошларига келиб биргина Шаҳрисабзда улар сони 4 бараварга кўпайиб 28 тага етди [9].

Бухоро амирлигининг йирик савдо маркази саналмиш Бухоро шаҳрида қарвонсаройлар сони тўғрисидаги маълумотлар турли манбаларда турлича қайд этилади. Ф.Ефремов Бухоро шаҳри Чорсусида 4 та пишган гўштдан қурилган қарвонсаройлар бўлганини қайд этади [10]. Н. Хаников савдо-сотик муносабатларининг ўсиши натижасида қарвонсаройлар сони ошиб борганини айтиб ўтади [11]. XX аср бошларига келиб, қарвонсаройлар сони 60 дан ортиб кетгани, М.С.Юсупов маълумотларига қараганда, улар сони 70 дан ортиқ бўлган. Уларнинг айримларига қисқача маълумот ҳам бериб ўтган. Жумладан, Саройи жаннат макони, Саройи домудла Шер, саройи Ҳаким-ойим, Саройи-Хўжақалон, саройи Қушбеги ва бошқалар [9].

Шунингдек, Бухоро амира Сайид Олимхоннинг ўзига қарашли юздан ортиқ қарвон саройлари бор эди [12]. Шуниси аҳамиятлики, бу даврда ҳар қайси қарвонсарой ўша жойдаги савдогарларнинг қаердан эканлигини билдирувчи номлар билан аталганки, буни биз руслар қарвонсаройи, хиндулар қанвонсаройи деб аталганидан ва ҳар бир миллат ўз қарвонсаройига эга бўлиб, ҳар бир қарвонсаройда 1500-2000 тагача туя сиғиши, улгуржи савдо шу ерда амалга оширилиши, олиб келинган товарлардан бож ва закот ҳам шу ерда олинган [13].

Агарда юртимизнинг бугунги кундаги имкониятларини ҳисобга олган ҳолда сайёҳларни қабул қилиш учун яратилаётган шароитларни биргина Қашқадарё вилояти мисолида олиб қарасак, Қарши шаҳрида 21 та, Шаҳрисабз шаҳрида 2 та, Косон

